БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 24 октябрь Чоршанба
№ 203 (13 639)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»

Кунлик матбуотдан маълумки, жумҳуриятимизнинг пахта хирмони кунба-кун юқориламоқда. Хўжаликлар, жамоаларда йиғим-терим сусайгани йўқ. Йиллик режани бажарганлари эса келгусининг ҳаракатига тушишган. Таъкидлаш лозим жумҳуриятимизнинг 4 миллион 800 минг тоннадан ошиқ хирмонида Амударё ноҳияси «Қипчоқ» давлат хўжалиги деҳқонларининг ҳам улушлари бор. Айниқса 1620 гектар ердан ҳосил ундиришган 1-бўлим аъзоларининг ҳиссаларини айтиш жойиз. Меҳнат аҳли ҳар гектар майдондан 20 центнердан ошириб, хом ашё тайёрлашди.



Суратда: ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Н. Тойиров, механизатор Худойберган Усмонов, ва бўлим бошлиғи Ердош Избоев.

Суратчи: Жумабой ҚОЗОҚ.

В. ЗЮКИН:

«ЁШЛАР ДАРҒАЗАБ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН...»

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси мазкур пленумни чақириш ва унинг кун тартибини белгилаш тўғрисидаги қарорни қабул қилар экан, БЛКЁИ Марказий Қўмитаси мамлакатда, иттифоқимизда юзага келаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиш билан галга солиб бўлмайдиган амалий ҳаракатларни белгилаш ҳамда амалга ошириш заруратидан келиб чиқди.

Ҳокимият йўқлиги, турмуш ёмонлашиб кетаётганлиги ёшларнинг фақат истиқболга эмас, балки ҳозирги кунга ҳам ишончи йўқолиб бораётган шароитда биз ташкилотни бутлигича сақлаб қолишга қаратилган ички иттифоқ ислоҳотлари ўтказишдан эмас, балки ёшларнинг тақдиридан кўп даражада ташвишланишимиз зарур. Ҳозир йигит-қизларни миллий низолар, сиёсий экстремизм билан бир қаторда шакардан тортиб, то мохоркагача бўлган оддий ҳамма нарсаларнинг камёб бўлаётганлиги бўғаяпти. Буларнинг барчаси эса тўла маънода кимда-ким «ҳаётга қадам қўяётган» деган тамғани ўчириб ташлашга ёпирилаяпти.

Умумий ишонч етишмаслиги, фуқаролик иноқлигининг йўқлиги ҳам ўта сўллар, ҳам ўта ўнглар учун фойдали бўлаётганлигини ўзимизга ҳисоб беришимиз лозим. Муддаолар ҳар хил, аммо усул бир хил: ўз рақибларини чўктириб юбориш учун қайиқни силкитиш ва тўнтариб юборишдан иборат.

Агар жамиятда ҳокимиятсизлик бундан буён ҳам давом этар экан, айни ёшлар ваъда беришлардан, доимий тиғизликлардан чарчаб, мамлакатдаги ижтимоий портлашнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши мумкин.

Жамият бозорга ўтиш арафасидаги вазият мана шундай. Бунинг устига-устак ёшлар ўртасида ҳам, комсомоллар ўртасида ҳам бўлажак ўзгаришларга муносабатлар бир хилликдан узоқдир. Бу тўла тушунарлидир. Йигит-қизлар қабул қилинаётган қарорлар учун тўлаши лозим бўлган товонни ёки сиилайдилар, ёки мутлақо кўпчилик эртанги бозор тўкчилиги афсонаси эътиқодидан узоқ. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси иқтисодий ёриб ўтишнинг мумкин бўлган ягона йўли сифатида бозорга ўтишни қўллаб-қувватлайди. Бироқ бизнинг қўллаб-қувватлашимизни ҳокимиятнинг ҳар қандай органларига ёшларнинг аҳволи учун талабчанлик билан уйғунлаштирилиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ўзларининг чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва ҳимоя қилишлари зарур. Олий Кенгашлар ва барча жумҳуриятларнинг президентлари, мамлакат ҳозирги шароитда кучли давлат ёшлар сиёсати йўқлиги жиддий сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етишлари зарур. Ҳар қандай ўйлаб кўрилмаган, ярим-ёрти, ноизчил қадам, жамиятга берилган ваъдаларнинг бажарилмаслиги — бу мумкин бўлган портлаш, бу жамиятни тўла беқарорлаштириш, бу қайта қуриш поездининг ҳалокатидир. Биз бирор бир кимсани чўчитиш учун бу ҳақда гапираётганимиз йўқ. Биз — бозор тарафдоримиз, бироқ ана шу қарорларни қабул қилишни кимда-ким белгилаган бўлса, ўшаларнинг масъулияти тарафдоримиз.

Айни мана шунинг учун мамлакат бозорга ўтиши, бўлажак ҳарбий ислоҳот ва бошқа ҳаракатлар туфайли ёшларнинг ижтимоий руҳи ёмонлашиши муносабати билан турли қатламдаги ёшларни ҳимоя қилиш юзасидан таклифларни пленумда кўриб чиқиш, уларни ССЖИ Президентига, мамлакат, парламентларига, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларга юборишни **кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.**

Ҳозирги кунда ёшлар тўғрисида ташвишланишни ҳокимият органларидан талаб қилиш билангина чекланиб қолмай, балки ана шу мақсадларда ўзимизнинг ташкилий, моддий ва молиявий имкониятларимиздан ҳам фойдаланиш принципиал муҳим, деб ҳисоблаймиз. Марказий Қўмита пленумига «Ёшларнинг ижтимоий хизмати» давлат-жамоат ахборот системасини тузиш ва уни рўёбга чиқариш механизмлари тўғрисида таклифлар киритилган. Бунда гап марказдан туриб бошқариладиган навбатдаги маҳобат тузиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аксинча, ҳар бир жумҳуриятда, вилоятда, ноҳияда маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиқиб ана шундай хизматни ташкил этиш лозим. Лекин энг асосийси эса бутун мамлакатда ёшлар меҳнат биржаси, касб-корга йўналтириш марказлари, руҳий-педагогик ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш пунктлари, балоғатга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маслаҳатхоналари, наркологик хизмат кўрсатиш уйида ёки маълум истиқомат жойида, хизматида низоли вазиятда қолган ўсмирлар ва ёшлар учун, ногиронлар ва бошқалар қайта тикланишига қаратилган ётоқхоналар ва етимхоналарнинг ишлаб турувчи комплекслари юзага келиши лозим. Ана шу мақсадларга пленумнинг қарори билан 100 миллион сўм ажратишни таклиф қиламиз.

Бундан ташқари, БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси янги иқтисодий муносабатларни оёққа турғазиб олиш юзасидан ёшларнинг тезроқ ишга бевосита киришиб кетиши учун хорижда ёшларнинг стажировка ва қайта тайёрлаш юзасидан ҳаракатномани кенг қулоч ёйдириб юбориш, ёшларга омилкорликни ўргатиш системасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблайди. Бюро ССЖИ Президентининг кўмагида ташкил этилаётган халқаро ёшларни алмаштириш учун Жамғарма тузишни қўллаб-қувватлашни назарда тутади, федерация субъектларининг аъзолик бадали сифатида Жамғармага 20 миллион сўм қўшиш, белгиланган ҳаракатномаларни рўёбга чиқариш учун жамғармага БЛКЁИнинг бир қатор объектларини ўтказишни назарда тутади.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоси фақат комсомолнинг ишигина эмас. Уларни ҳал этишда сиёсий фирқалар ва ҳаракатлар, жамоатчилик ва диний ташкилотлар ғоят кенг кўламда иштирок этишлари мумкин. КПСС XXVIII съездида дастлабки қадам қўйилди. Ёшлар сиёсати тўғрисида резолюция қабул қилинди. БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг барча таклифлари ҳам унда ўз ифодасини топмаганлигини сиз биласиз. Биз бугунги кунда ҳам КПСС Марказий Қўмитасига яна бир бор ўзининг моддий ва молиявий имкониятларидан ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш таклифлари билан мурожаат қиламиз. Фирқа ўқув юртларининг бир қисмини мамлакат янги закий жамғармасини шакллантириш, ёш ишбилармонларга, бизнесменларга, сиёсатдонларга таълим бериш учун қайта мослаштириш лозим. Эртага жамиятни бошқарувга келадиган истеъдодли ёшларни хорижда ўқитишга фирқа бюджети маблағлари ҳисобидан юбориш керак. Агар у реал обрўси тушган сиёсат аҳамиятини ўнглаб олишни истаса, ёшлар фақат мафтункор сафсаталарини эмас, балки унинг муаммоларини ҳал қилишда амалий қўллаб-қувватлашни КПССдан кутади.

Бундан ташқари, Марказий Қўмита Бюроси пленумга XXI съезднинг қарорлари ўзанида бўлган бир қатор амалий ҳаракатларни қабул қилишни таклиф қилади.

Аввало ёшларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ёшларнинг сайру-саёҳатини ривожлантиришга 125 миллион сўм ажратиш таклифини киритамиз. Бу ўринда гап моддий базани ва хизмат кўрсатиш сифатини анча яхшилаб олиш тўғрисида бормоқда.

Бундан ташқари, биз ҳозирнинг ўзидаёқ жамиятга амалий фойда келтираётган БЛКЁИ лойиҳаларини ривожлантириш тўғрисида ҳам ташвиш тортишимиз керак. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси бир ярим йил муқаддам мамлакатдаги ўйинчоқларнинг ўндан бир қисмини чиқараётган болалар ва ўсмирлар учун ўйнаш воситалари ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан «Ривожланиш» акционерлик жамияти тузган эди. Ҳозир улар томонидан эндоясама аъзолар ишлаб чиқариш юзасидан ғоят ажойиб ҳаракатлар бошланган. Ана шу фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадига 25 миллион сўм сарфлашни таклиф қиламиз.

Яна бир принципиал масала хусусида. Биз ёшлар ҳаракатидаги фикрлар хилма-хиллигини бир неча бор тантанали равишда баён этдик ва табрикладик. Бир неча ўн йиллар мобайнида ягона ташкилот бўлиб келган БЛКЁИ ёшларнинг манфаатлари йўлида «Дўстлари-рақиблари» оёққа туриб олишларидаги муаммоларини ҳал этиш учун парвозига мададкорликни таклиф этади. Янги ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлашнинг жамғармасини ташкил этиш мақсадида 5 миллион сўм ажратишни таклиф этади, Марказий Қўмита Бюроси бу қадамга бой-тўра дастурхонидан садақа ёки ташқаридан бўладиган танқидни сотиб олишга бўлган уриниш деган маънода қарамайди. Йўқ. Энг асосийси шундаки, ёшларнинг реал уюшмалари қанчалик кўп бўлса, ёшлар учун реал ҳаракатлар шунчалик кўп бўлади.

Биринчидан. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми истеъмол бозорини балансласhтириш ва молларга тўлдириш юзасидан давлат ҳокимияти органлари фавқулодда чора-тадбирлар кўриши учун фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин. Навбатдаги нон исёнига дуч келган ҳар қандай иқтисодий ислоҳотлар ҳаракатномасини рўёбга чиқариш, бошқача қилиб айтганда, эртага тугаши мумкин.

Иккинчидан. Бозорга ўтишнинг ҳар қандай ҳаракатномасини мамлакатдаги фуқаро розиризолиги шароитидагина амалга ошириш мумкин. Бебош митингбозлик, турли хил сиёсий кучларнинг бир-бирига ҳуружи, оддий иғвогарликлар ва бир-бирининг эътирозларга ўзини тута билмаслик—умумий алғов-далғов муҳитни яратиш учун яхшигина озуқа замини бўлиб, иқтисодий қайта ўзгартиришни рўёбга чиқариш хом хаёл бўлиб қолади. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси мамлакатдаги муҳитни беқарорлаштирувчи бемаъни мафкуравий қарама-қарши туриш, сиёсий акциялардан тийилиб туриш тўғрисидаги таклифлар билан барча сиёсий фирқаларга ва ҳаракатларга мурожаат қилиши мумкин. Бу КПССга ҳам, бошқа кучларга ҳам — барчага тааллуқлидир. Жиддий сиёсатдонлар ҳозирги фирқалар ўртасидаги кураш вазиятининг, айниқса кенгашларда кучайиб бориши яна бир фирқа — алданган ёшлар фирқаси ташкил топишига олиб келишини англаши зарур деб ўйлайман.

Биз томонимиздан кўриб чиқилаётган муаммоларнинг кейинги йўналиши. Ярим йил муқаддам ўзининг XXI съездида комсомол тубдан қайта тузиш, ўз қиёфасини ўзгартириш йўлига кирган эди, Энг асосийси эса — федерациянинг ҳар бир субъекти эркин бўлиб қолди. Ўз фаолиятини белгилаб олишда, ишнинг туб йўналишлари ва мақсадларида эркин бўлиб қолди. Мафкуравий ва сиёсий йўналтиришни танлаб олишда эркин бўлиб қолди. Ўз қиёфасини шакллантиришда эркин бўлиб қолди.

Сиз билан биз ўз съездимизни ўтказиб фараз қилганимиздек, федерациянинг бир қатор субъектлари жумҳурият ташкилотларининг номланишини ўзгартирдилар, умумиттифоқдан фарқ қиладиган жумҳуриятлар норматив ҳужжатларининг туб йўналишларини эълон қилдилар, бир қатор бошқа ҳолатлар ҳам юзага келди.

Бундан ташқари ҳозирги кунда федерация субъектлари БЛКЁИ ҳаракатномавий мақсадлари доирасида танлаб олаётган сиёсий ва мафкуравий йўналишларнинг барча ранг-баранглиги ҳанузгача камайгани йўқ.

Бу жараён объектив ва комсомол съездининг ўтиш характерини тасдиқловчи эканлигини яна бир карра таъкидлаб ўтиш зарур. Содир бўлаётган қайта ўзгартишлар БЛКЁИнинг миқдор таркибини янада камайишига олиб келаётганлиги, кўпгина бошланғич комсомол ташкилотларида ҳаёт сўнганлигини, иттифоқ ташкилий тузилиши принципини ташкил этувчи ишлаб чиқариш принципи бузилишида, ўзини сақлаб қолишга йўналтиришдан ташқари бирор бир фаолиятни тўхтатиш, комсомол қўмиталари аппаратининг бир қисмини тўхтатиш шароитида мослаша олмасликни кўрсатмоқда. XXI съезднинг БЛКЁИ мулкидан фойдаланишнинг янги таркиби тўғрисидаги топшириғи айни мана шу янги воқеликларга йўналтирилган эди.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган қарорлар тўғрисида.

Биринчи. Комсомолнинг мулкига муносабатда БЛКЁИ Уставининг 34-бандига мувофиқ ва БЛКЁИ федератив тузилиши принципларини амалга ошира бориб, шунингдек, ССЖИнинг «ССЖИда мулкчилик тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши, халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳаракатномалар билан боғлиқ ҳолда комсомол қўмиталарига БЛКЁИ ҳисобидан ёки унинг иштирокида барпо қилинган ёки ташкил этилган комсомолнинг ўша объектлари ва корхоналарини мулки қилиб бириктириб қўйиш ҳуқуқини таклиф қиламиз.

Иккинчи. Комсомолнинг йирик мулки бўлган корхоналарни омилкор шаклларга ўтказишни, улар ёшларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтиришини таклиф этамиз. Шу жумладан, ижтимоий вазифаларнинг муҳим қисмини ташкил этувчи ташкилот — ёшлар сайру-саёҳатини туб йўналишларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган яхлит комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутамиз.

«Молодая гвардия» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам принципиал ўзгаришларни амалга оширишга тўғри келади.

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросининг мулкчилик муаммолари юзасидан таклифлари ана шундай. Муқобиллари қуйидагилардан: комсомол аппарати турмуш фаолиятини бирмунча вақтга чўзиб, барчасини барчага ё тақсимлаб бериш, ёки иттифоқ ички иқтисодий муносабатларини тубдан ислоҳ қилишни амалга ошириб, БЛКЁИнинг яккаҳоким мулки бўлиб юзага келганларни ёшларнинг манфаатлари йўлида ишлатишдан иборат. Сиёсий ва ахлоқий масъулият бизга буни тўғри танлаб олиш имкониятини беради, деб ўйлайман. Ёшлар ва ташкилотнинг келажак манфаатлари йўлида танлаб олишга эришмоқ лозим.

Биринчи. Бўлажак ташкилот суверен давлатлар ўртасидаги иттифоқ шартномаси моҳиятига жавоб берадиган шаклда бўлиши зарурлиги шубҳасиздир.

Иккинчи. Бу ижтимоий ҳимоя қилинган вазифаларнинг аниқ ифодаловчи ташкилот бўлиши зарур.

Учинчи. Ташкилотнинг моҳиятига жавоб берадиган иттифоқ номи тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга тўғри келади.

Эски, ўтмишга кетаётган марказлаштирилган БЛКЁИга муқобилимиз мана шундай бўлиши мумкин. Бироқ, бу комсомол съездининг алоҳида ҳуқуқига дахлдор, албатта.

Биз XXI съездда режалаштирганимиз сингари сиёсий ривожланиш мантиқи олдимизга БЛКЁИ XXII съездини чақириш тўғрисидаги масалани қўймоқда. Съезд бизга ана шу ўзгартиришларни амалга ошириш имкониятини беради. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси бугунги пленумда съездни келгуси йилнинг баҳорида чақириш сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

(БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III пленумида БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Зюкиннинг маълумотидан).

Биринчи саҳифага мактуб

Қуръон дарслик программасига киритилса

Биз узоқ вақт миллийлигимиздан, урф-одат ва қадриятларимиздан юз ўгирдик. Шунга мажбурлашди, ташвиқот қилишди. Диний қўлёзмалар қанчалик кўҳна, тарихий бўлмасин уларга қирон келтирилди: кўмилди, ёндирилди, сувга чўктирилди. Яхшиямки, халқ бахтига қайта қуриш, янгиланиш ижобат бўлиб, динга муносабат тубдан ўзгарди. Рўзнома ва ойномаларда, овозингор ва ойнаи жаҳонда бу ҳақда фикр билдириш мумкин бўлиб қолди. «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш» ойномаларида Қуръон суралари ва Ҳадислар эълон қилинди. Улар билан танишиб, шу нарсага яққол амин бўлдимки, «эскича»нинг ёшларга тарбиявий аҳамияти беқиёс даражада катта экан.

Нега Қуръонни дарслик сифатида мактаб программасига киритиш мумкин эмас? Юқори синфларда «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» фани ўтилади. Бизнинг миллий урф-одатларимиздан йироқ, Оврупо маданиятини тарғиб этувчи бу қўлланма, гапнинг очиғи, бизга кўп ҳам фойда келтирмайди. Чунки у таржима адабиётдир. Шунинг ўрнига «Қуръон» ўтилса қандай бўларкин? Ахир ичи ғиж-ғиж нақллардан ва ҳикматлардан иборат бўлган бу қўлланма «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси»дан минг карра устун-ку.

Балким, ноҳақдирман. Аммо бу фикрларни ўз тажрибамга таяниб айтаяпман. Маълум муддат мазкур дарсдан сабоқ бердим. Тўғрисини айтиш керак, машғулотларда баъзи бир гапларни ўқувчиларга айтишдан ҳам иймансан киши.

Фикрларимни мухтасар қилиб шуни айтишим мумкинки, «Қуръон» дарслик сифатида киритилиб, сабоқларга маҳалла-кўйнинг кекса, обрўли, кишилари таклиф этилиши керак. Улар одоб-ахлоқ хусусида ваъз айтиб, ёшларнинг тўғри тарбия олишларига ўз ҳиссаларини қўшсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти Комсомол ноҳиясидаги Акмал Икромов номли 7-ўрта мактаб муаллими.

ТАШВИШИНГГА ШЕРИКМАН, ТАНИЛА

Ҳаётда нималар бўлмайди. Унинг жабру-жафосига чидаганлар бор, чидамаганлар эса кўпдир. «Ёш ленинчи»нинг шу йил 18 октябрь сонида эълон қилинган «САДОҚАТ» сарлавҳали мақоладаги қуйидаги жумлаларни ўқиб ўртаниб кетдим.

«Ўлмас Ахтамов афғонда жабр кўрганларнинг бири — биринчи гуруҳ ногирони. Уч йилдан ошди тўшакка михланиб ётганига. Гавдасини бошқаролмайди. Туролмайди, юролмайди. Қўл оёқларини ҳаракатлантиролмайди. Тўрт-беш марта жарроҳлик столига ётқазишди. Ўзгариш бўлмаяпти... Унинг ҳам ҳаётда не-не умидлари, орзулари бор эди. У ҳам инсон, ҳамма каби яшагиси келади...»

Аввало худо, қолаверса касбим тақозоси, юрак амрим, имоним йўлланмаси билан Ўлмас Ахтамовни даволаш истаги туғилди менда. Унинг саломатлигида оз бўлсада ўзгариш қилолсам Таниланинг машаққатларига кўмак берган бўлардим. Ўлмасга ҳам. Чунки «... ҳаёт инсонга бир бор берилади. Ўлмас ўша бир бор берилган умрини Тинчлик кўчасидаги 152-уйнинг 6-хонадонидаги икки хонали бетон деворлар орасида ўтказмасин»...

Олмахон СУЛТОНОВА,
Тошкентдаги «Савоб» хайрия ширкатининг спорт соғломлаштириш маркази аъзоси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарийлар! Рўзномамиз саҳифаларида ажойиб хислатли кишилар ҳақида кўп ўқигансиз. Олмахон Султонова ҳам ана шундай ғаройиб хислатли инсонлардан бири. Рўзномамизнинг келгуси сонларидан бирида Олмахоннинг мўъжизаси ҳақида ёзилган мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

«Ёш ленинчи» ҳурмат китоби

ШУНДАЙ ҚИЛИБ «ЁШ ЛЕНИНЧИ» «ҲУРМАТ КИТОБИ»ГА ЙИГИРМАНЧИ ОКТЯБРДАН ЙИГИРМА УЧИНЧИ ОКТЯБРГА ҚАДАР УТКАЗИЛГАН ОБУНАДА ҚУЙИДАГИЛАР ЁЗИЛДИЛАР.

1. Д. Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестрининг яккахон хонандаси ва созандаси Озода Назарова Тошкент шаҳар С. Раҳимов ноҳиясидаги 224-мактабдан аълочи ва жамоатчи юқори синф ўқувчиларидан 10 нафарини ўзи ҳисобидан «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна қилгани учун;
2. Н. Абдуғафуров раҳбарлик қилаётган Гулистон ноҳиясидаги 70-автокорхонада Автомобилчилар куни муносабати билан маъмурият томонидан 28 нафар илғор комсомол-ёшни «Ёш ленинчи» рўзномасига бепул обуна қилгани учун;

«ҲУРМАТ КИТОБИ»га ёзилиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

Ташкилот, жамоа ва давлат хўжаликлари комсомол қўмиталари «Ёш ленинчи»га обуна бўлган муштарийларнинг умумий сони кўрсатилган ҳужжатни ва обуна учун алоқа бўлимларига ёки «Союзпечать» агентликларига пул ўтказилганликларини (аниқ кунини кўрсатиб) тасдиқловчи ишонч қоғозларининг бир нусхасини рўзномамизга юборишлари зарур.

Таҳририятимизга сим қоқиб ёки телеграмма юбориб, маълумот берган ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликлари, комсомол қўмиталари маълумот берган кундан бошлаб ўн кун орасида юқорида қайд этилган ҳужжатларни бизга юборишлари шарт.

АЗИЗ ИХЛОСМАНДЛАРИМИЗ! Обунанинг муддати узоғи билан 1 ноябргача белгиланган. Вақт оз қолди. Севимли рўзномангизга обуна бўлишга шошилинг!

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-79-69; 32-56-57; 32-56-58; 33-32-51.

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз

ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ











2-Тошкент Давлат тиббиёт билимгоҳи клиникасида Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг бир йиллиги муносабати билан тил байрами бўлиб ўтди. Билимгоҳ ректори Ҳамид Каримов ўқув даргоҳи профессор-ўқитувчилари талабалари, меҳмонларини, она тилимизнинг равнақига бефарқ бўлмаганларини ушбу айём билан қизғин қутлади. Ҳамда ўзбек тилини ривожлантириш, бу борада илм масканида қилинаётган ишлар хусусида гапирди. Сўнгра байрамга ташриф буюрган тилимиз жонкуярларига, меҳмонларига сўз берилди. Шифокорлар, мутасадди раҳбарлар, шоиру кулги усталари дил сўзларини изҳор этдилар. Тилимиз тарихи, унинг бугунги аҳволи ҳамда қилиниши лозим бўлган ишлар, тадбирлар борасида фикрлар билдирилди. Сўнгра байрамнинг бадиий қисмига ўтилди. Билимгоҳнинг санитария-гигиена, даволаш куллиётлари талабалари ҳаваскорлари ўз санъатларини намойиш этдилар. Бир зум ўтмишга назар ташланди. Саҳнада улуғ алломаларимиз Алишер Навоий, Мирзо Бобур сиймоси гавдаланади. Хассос шоираларимиз, Нодирабегим, Зебуннисо, Увайсий ғазалларидан намуналар ўқилади.

— Билимгоҳимизда ўзбек тилидан сабоқлар берила бошлаганига ҳам бир йил бўлди, — дейди ўзбек тили кафедраси мудири филология фанлари номзоди Пўлат Тўраев. — 1-3 курслар ўзбек тилида ўқиш имконига эга бўлдилар. 1991-92 ўқув йилидан бошлаб 4-6 курсларга ҳам она тилимизда сабоқ бера бошлаймиз. Рус группаларида ҳам ўзбек тилини ўргатиш курси жорий этганмиз. Улар учун махсус дастур ишлаб чиқилган.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: ўзбек тили байрамидан лавҳалар.

МУАЛЛИФ суратга олган.

Ёшлар ва иқтисодиёт

ЙИГИРМА МИЛЛИОН ТАШВИШИ

Ҳайвон онгсиз. Аммо, зилзилани олдиндан пайқайди. Инсон онгли. Лекин, у жамиятдаги ўзгаришларни, шоирлар моҳиятини ҳар доим ҳам англаб етолмайди. Аллақандай мафкура учун қурбонлик беради ва баъзан ўзи ҳам қурбон бўлади.

Гдлян билан Ивановни халқимизнинг ягона душманига айлантирганлар қуйига жўр бўлиш давом этётир. Аслида, улар катта қимор ўйинининг оддий картаси, хунхўр «тергов тегирмонининг» хизматкорлари холос. Амалдаги «тергов тегирмони» шундайлигича айланаверса, гдлянлар қилмишидан ўн, юз, минг карра кўп ишлар қилинаверади. Чунки, уни қонун эмас, ҳамон амалдор-тўралар юргизаётирлар.

Ҳозир қабул қилинаётган қонунларнинг аксарияти шундай. Унда беш-олти чиройли, жимжимадор моддалар бўлади. Қолганлари эса амалдор манфаатига қўшқўллаб, қуллуқ қилиб хизмат қилади. Одамлар буни тушуниб етгунча, тегирмон тоши анчагина айланади. Узоққа бормай, яқинда қабул қилинажак «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисидаги қонун»ни таҳлил қилиб кўрайлик.

Бу қонун, биринчидан, бир гуруҳ мафия ва амалдорларнинг манфаати учун хизмат қилади. Қолган миллионлаб ишчи-деҳқон, ёшлар ва зиёлиларни кўчага улоқтириб ташлайди. Охир-оқибатда янги инқилоб учун замин яратилади. У моҳият ва мақсад жиҳатидан 1917 йил инқилобига ўхшайди.

Иккинчидан, бу қонун Ўзбекистон аҳолисини қонуний мардикорга айлантиради. У жумҳурият иқтисодиётини ўлимдан қутқаролмайди. Аммо сиёсий жиҳатдан уни гўрга тиқади.

Учинчидан, бу қонун лойиҳаси реал аҳволни ифодаламайди. Ҳозир ижтимоий онг мафия ёрдамида шундай лой қаланганки, гўёки, бизнинг ягона душманимиз — бозор иқтисодиётининг йўқлиги. Қаранг, айб умуман йўқ нарса — бозорда. Аслида мафия шу йўл билан бир гуруҳ сиёсатчилар ёрдамида социализмни янгилаш баҳонасида ўзларига керакли қонунларни чиқариб олмоқдалар. Ҳокимиятни қўлга олганларидан сўнг бу сиёсатдонларнинг жойи мафия учун аллақачон маълум.

«Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисидаги қонун» моҳияти миллионлаб оддий кишилар онгига ҳали етиб боргани йўқ. Таътил баҳона, жуда кўплаб қишлоқ одамлари, деҳқонлари билан суҳбатлашдим. Мулкчилик қонуни, акция жамияти ҳақида уларда ҳатто оддийгина тушунча ҳам йўқ. Халқ тушунмайдиган қонунлар кимга керак?

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистоннинг бутун ер ости ва усти бойликлари, завод ва фабрикалар бир нечта мулкдор ихтиёрига берилади. Хорижликлар ва иттифоқдош жумҳурият фуқаролари ҳам Ўзбекистон бойлигига ҳукмронлик қилиши мумкин. Қонун рухсат этган.

Шу пайтгача ишчи ва деҳқоннинг ўроқ ва болға иттифоқи бўларди. Энди муҳрдор ва пулдор иттифоқи дунёга келади. Бундай «никоҳ»ни мулкчилик қонуни қўллаб-қувватлайди.

Мафияга иқтисодиёт уйининг тўри сизники, деб кўрсатиб турган модда қонунда қуйидагича таърифланган: «...Ўзбекистон ССЖ бошқа жумҳурият ва ажнабий давлатларнинг фуқаролари, шунингдек юридик шахслари, Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида ёки жамият уставида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, акция эгалари бўлиши мумкин».

Ўйлаб кўринг! Қайси деҳқоннинг акция-қимматбаҳо қоғоз сотиб олишга қурби етади? Ўзи зўрға кун кечиради-ку. Унга қўлида миллионлаб пул тўпланиб қолган мафия харидор бўлади. Агар уларнинг пули камлик қилса, бошқа жумҳурият ва хорижий давлатлардаги акаларидан олишади. Қонун бунга рухсат берган.

Ҳозир, ССЖ бўйича корхоналарда бўш, ишга туширилмаган, тушганда иқтисодиётни издан чиқариши мумкин бўлган 100 миллиард сўм пул бор. Амалдор мафия билан тил бириктиради. Бу бойликларни ўзаро бўлиб олишади. Қонун эса ўмариш фаолиятини қўриқлайди. Ўмариш механизми қуйидагича бўлади. Ҳамтовоқлар ширкат очади. Банк тузади. Пулларни уч-тўрт чора-тадбирни амалга оширишга сарфлайди. Уларга кўп маблағ сарфланмаса ҳам, ҳужжатда миллион қилиб ёзилади. Ҳамтовоқлар бу пулларни бўлиб олишади. Қарабсизки, миллионлар тайёр.

Шу йўл билан миллионлаб халқ бойлигини ўмараётганлар қанча? Ҳозир ССЖида улар анчагина. Санаб адоғига етиш қийин.

Мана, яқинда Москва шаҳридаги «Бит» ширкат аъзолари ҳам қопқонга тушдилар. Улар давлат корхона ва ташкилотлари бошлиқлари билан келишган ҳолда минглаб тонна титан, алюминий, германий каби ресурсларни Австрия ва Финляндияга сотиб, қисқа вақт ичида 3,0 миллион долларни ҳазм қилиб юборганликлари маълум бўлди. Ўша ширкатчилар алюминий ёки титан ишлаб чиқаришни ўрганганми? Ёки ўша заводларни қуришда қатнашганларми? Йўқ. Ҳозирги тартибсизлик, ҳукумат ва халқ назоратининг йўқлигидан унум билан фойдаланганлар.

Яқинда тасдиқдан ўтадиган мулкчилик тўғрисидаги қонун юқоридагилардан ҳоли бўла оладими? Йўқ. Қонунда шундай модда бор. «Корхоналар, муассасалар, давлат идоралари, шунингдек фуқаролар (агар Ўзбекистон ССЖнинг қонун ҳужжатларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса) хўжалик жамиятининг ва ширкатнинг аъзолари бўлиши мумкин». Шундай қилиб янги 21-асрнинг «муҳр ва пул» иттифоқига замин тайёрланди.

Мулкчилик тўғрисида қонун жорий қилингандан сўнг, Ўзбекистонни ўмариш янада равнақ топади. Мафия давлат хўжалигини қонуний тарзда ўзи тасдиқлатиб олаётган қонунлар ёрдамида эгаллаб олаётир. Буни кўрмаслик учун сиёсий кўр бўлиш керак.

Бу пуллар, бойликлар аслида меҳнаткашники! Лекин бизда хўжалик механизми шундай тузилганки, у ўз эгасидан ажраган. Улар амалдор, тўралар ихтиёрига ўтган. Ўз эгасидан ажраган пуллар Ўзбекистон бўйича аҳоли жон бошига 400 сўмдан кўпроқ тўғри келади. Бу пуллар бепул тиббий ёрдам, ўқиш, уй-жой қуриш, санаторийларга бепул йўлланма бериш ва ҳоказолар учун ҳар хил кийим-кечак, машиналар нархини ошириб сотиш йўллари билан олинади. Бу имтиёзлар ҳаммага бир хил бўлиши керак. Амалдачи? Фойдасини ҳукмдорлар кўради. Қрим санаторийсида бепул даволаниш ҳам шуларники. Ҳуқуқшунослик, шарқшунослик куллиёти ҳам. Бундай имтиёзни таг-томири билан қўпориб ташлаш зарур. Бунинг учун ҳар кимга ўзи ишлаб топган иш ҳақини тўлиқ бериш керак.

Юқоридаги 400 сўм эгасидан ажраган пулларнинг атиги бир қисми. Унинг салмоқли ҳажми турли вазирлик ва идораларни боқишга сарф бўлаётир. Агар шу пулларни ўз эгаларига қайтариб берсак, ҳар бир ишловчининг ойлиги ўрта ҳисобда 2000 сўм бўларди. Ҳар бир ишловчи аввало мана шу пулга эгалик қила олади. Асло давлат мулкига эмас. Шундай қилинса бузилган ижтимоий уйни тиклаш учун зарур устун яратилган бўлади. Бир сўз билан айтганда мулкчилик тўғрисидаги қонун мулкдор, муҳрдор ва пулдорлар ҳокимиятини кучайтириш учун қўлидан келгунича хизмат қилади. Улар ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик қилиш ва мардикор, чўри сақлаши мумкин. Фақат эксплуатация руҳи бўлмаса бас. Қонунда буларни яширишга роса ҳаракат қилинган. Лекин афсуски, муаллифлар буни эплолмаганлар. Қонундаги ҳар бир туйнукдан мафия ва амалдорнинг башараси кўриниб турибди.

Лойиҳанинг 1-бўлим 6-моддаси эксплуатацияни гўёки тақиқлайди. Яъни «Мулкнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланиш эксплуататорлик руҳида бўлмаслиги керак». Эътибор беринг-а! Гап эксплуатация даражаси ҳақида эмас, унинг руҳи ҳақида кетаяпти.

Дейлик, сиз маълум бир вақт оралиғида хўжайинга 100 сўмлик фойда олиб келадиган хизмат кўрсатдингиз. У сизга меҳнатингиз учун 50 сўм берди. Ярми ўзига қолди. Бундай ҳолларда эксплуатация даражаси 100 фоиз бўлади. Худди шу усулда эксплуатация даражасини ўлчаш мумкин. Демак, уни бошқарадиган ва шунингдек, унга қарши курашадиган воситани яратиш имконияти бор. Лекин унинг руҳини ўлчайдиган, баҳолайдиган тарози йўқ. Деҳқон ёки ишчи буларни билади ва унга қарши кураша олади, дейиш эса — афсона, эртак.

Эксплуатация рисолалардагидек бўлиши учун ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ва ёлланма меҳнатга рухсат этилиши керак. Муҳокама қилинаётган қонуннинг II бўлим, 9-моддаси бунга изн берган. «Хусусий мулк даромад ундириб олиш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш чоғида ёлланма меҳнат қўллашга рухсат берилади».

Жумҳуриятимизда мардикорликни қонунлаштириш маънавий жиҳатдан шармандаликдан бошқа нарса эмас. Шундай йўл тутиш керакки, бировлар Ўзбекистонга «мардикор» бўлишсин. Бунинг имкони бор. Бунинг учун вагонлаб кетаётган пахта, тилло, жун, қоракўл тери, пилла ва ҳоказоларнинг асосий қисмини шу ернинг ўзида қайта ишлаш зарур. Янги иш жойлари яратиш керак. Тўшагулик гилам йўқ. Минглаб тонна жунни эса бериб юбораверамиз. Тақгулик сирга йўқ. Неча ўнлаб тонна тиллони ортиб юбораверамиз. [illegible] Ким мардикорликка тушади? Ишлайдиганга иш жойи, оиласини боқишга пули йўқ кишилар. Ўзбекистонда, ҳозир қайси миллат орасида ишсизлик кўп ва даромади оз? Мардикорликни қонунлаштиришдан бурун улар учун иш жойлари яратиш маъқул эмасми?!

Наҳотки, иш жойи бор киши ўз оиласини, болаларини зору интизорлигига қарамай, беш-олти ойлаб мардикорлик нонини ейди?

Ўзбекларнинг энг мудҳиш, қора мардикорлик йиллари 1914—1917 йилларга тўғри келади. Ўшанда чор ҳукумати ота-боболаримизни қора ишларга олиб кетишган. Ўзбеклар тарихида шу охирги мардикорлик бўлиб қолгани маъқул эди. Бугун биз ким учун мардикорликни қонунлаштиряпмиз? Ишчи-деҳқонга у керак эмас. Унда ёллаш учун на амал, на пул бор.

Ҳозирги кунда жамиятимизда хуфёна иқтисодиёт вакиллари олиб бораётган савдо-сотиқ ҳажми 150 миллиард сўмга яқин. Бу Ўзбекистондек жумҳуриятнинг ўн йиллик савдо-сотиқ ишига тенг дегани. Ушбу мақолани ўқиб чиққунингизча, Ўзбекистонда давлат ва харидорлар чўнтагидан 150 минг сўм, ССЖИ бўйича 3,0 миллион сўм ўмарилади. Муҳокама қилинаётган қонун шундайлигича жорий қилинса, мафияга қарши курашадиган куч Ўзбекистонда қолмайди. Мен иқтисодчи сифатида хусусий мулкка қарши эмасман. Бу мулк шакли ҳам бошқалари сингари фаолият кўрсатишга ҳақли. Лекин қонундаги хусусий мулкни амалга ошириш тартибига бутунлай қаршиман. Нега?

Биринчидан, бу ерда ижтимоий адолат бузилган. Моддий бойлик яратган кишилар кўчада қолиб кетган. Хўш, бундай шароитда нима қилиш керак? Асосий ишлаб чиқариш жамғармаларига тенг акция чиқариш зарур. Ҳозир жумҳуриятда унинг қиймати 65,5 миллиард сўмга тенг. Акция ва жамғармалар аслида ишчи ва деҳқонники. Уни уларга номма-ном тарқатиб бериш керак. Моддий бойликни мафия ёки амалдор яратган эмас. Ва акция, завод, фабрикаларни сотиб олишга маънавий ҳақлари йўқ. Акция ишчи-деҳқоннинг қўлига ўтгач, мафиянинг йўли беркилади. Юқоридаги таклиф амалга ошса, ишлаб чиқариш воситалари асл соҳиблари қўлига ўтади. Қонунда мана шундай кафолатлар бўлмай туриб, уни қабул қилиш ярамайди.

Боз устига мардикорликка ҳукм қилинганлар қонун йўли билан иқтисодий жиҳатдан мутлақо ҳимояланмаганлар. Аксинча улар солиқ тўлолмасалар, моллари гаровга қўйилади. Моли бўлмаган деҳқон нимасини гаровга қўяди? Ё жонини, ё танини. Мулкдор билан мардикор ўртасидаги меҳнат шартномалари, иш ҳақлари миқдори қандай бўлиши ҳам қонунда қайд этилмаган.

Назаримда, мардикор қайси мулкдор қўлида ишлашидан қатъий назар иш ҳақининг чегараси қонунда акс этиши керак. Юқори чегараси шартномага боғлиқ. У яшаш ва бола-чақасини боқиш учун етарли иш ҳақи олиши керак. Булар қонунда аниқ ва равшан кўрсатилиши керак. Токи ишчи ва деҳқоннинг, навқирон йигит-қизларнинг, норасида гўдакларнинг ҳаёти «бой ота»нинг феълига боғлиқ бўлиб қолмасин.

Шундай тажриба энг ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам бор. Масалан, АҚШда мардикорнинг иш ҳақини ёллагани учун ҳар соат ҳисобида энг камида 10 долларни кафолатланган тарзда тўлайди. Бу қонунда белгиланган. Бизга тавсия қилинган қонунда-чи? Бу ҳақда лом-мим дейилмаган. Халқнинг иқтисодий ва сиёсий саводсизлигидан фойдаланишнинг ҳам чегараси бор, ахир.

Жумҳуриятда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун давлат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликларини қоғозда эмас, амалда жамоат, халқ корхоналарига айлантириш керак. Ҳар бир деҳқон ва ишчи акция ёрдамида яна қайтадан ўз корхонасининг эгаси бўлсин. Чет элда шундай тажриба бор. Масалан, АҚШда 10 миллион киши ёки жами иш кучининг 9 фоизи жамоа мулки шаклида ишлашади. Бундай халқ корхоналари энг самарали усул эканлиги амалда исботланди. АҚШнинг юқоридаги услубда фаолият кўрсатаётган «Бофорс» фирмаси ишдан бўшайдиган ходимига 1986 йилда 400 минг, 1987 йилда 900 минг ва 1988 йилда эса, 1,5 миллион доллардан мукофот берди.

Бирор бир бошқа мулкдорда ёлланиб ишлайдиган ишчининг даромад миқдори бундай эмас. Бўлолмайди ҳам. Чунки бу ерда бутунлай бошқача омиллар ишга тушган. Унда ишлайдиганлар лочин сингари мағрур ва озод. «Бой ота» учун эмас, ўзлари ва жамоалари учун астойдил меҳнат қиладилар. Шундай имкон бизда ҳам яратилиши керак. Мулкчиликнинг ана шу шаклини ривожлантириш, менимча маъқул. Ва ҳозирги маънавий-руҳий вазиятга ҳам мос тушади.

Капиталистик мамлакатларнинг гуллаб-яшнаши хусусий мулкчиликдан, деган гапларга кўп ҳам ишонавермаслик керак. Улар бутун дунё бойликларини арзон-гаровга олиб кетганлари учун ҳам яхши яшайдилар. АҚШ ўзининг ер ости бойликларидан деярли фойдаланмайди. Унинг чет элларда фаолият кўрсатаётган фирмалари ўша мамлакат ишчиларига урвоқ қолдириб, қолганини ўзлари ўзлаштирадилар. Масалан, америкаликлар Шри-Ланка, Индонезия, Финляндия, Бразилия, Филиппин ва бошқа мамлакат ишчиларига 4—10 фоиз иш ҳақинигина берадилар.

Майли, ишни капиталистлардан ўрганайлик, лекин икки-уч аср илгаригисини эмас, ҳозирги тажрибасини қўллайлик.

Инсоният тарихини, ҳозирги даврини чуқур таҳлил қилган киши ғалати бўлсада, унинг ҳар қачонгидан коммунизмга яқинлашганини англаб олади. Ҳозирги капитализм Маркс ёзган капитализм эмас. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ва пул-товар муносабатлари 100 йил илгари бошланган муносабатларга сира ўхшамайди. Бу мулк шакли ривожланган капиталистик мамлакатларда бундан 100—200 йил бурун характерли эди. Капитализм услубларини жорий қилишдан олдин Ўзбекистоннинг шароитини чуқур ўрганиш керак. Ўзбекистон бутунлай бошқача руҳий-маънавий ва ижтимоий-иқтисодий вазият шароитида яшайди. Шуни таҳлил қилгандан сўнг, уни инқироздан олиб чиқадиган дастур яратиш мумкин. Ҳозир шундай дастур бор, деб айтолмайман.

Олимларимиз кучи бўлиб ташланган, ниҳоятда тарқоқ. Улар неча йиллардан бери эскириб кетган, ҳеч кимга кераги йўқ илмий ишлар билан машғуллар. Ташаббус қўлдан кетган. Иттифоқ қандай қонун қабул қилса, шунга мослашадиган қонунлар яратиш билан овора.

Ўзбекистонни хусусий мулкчилик ёки капитализм йўқлиги эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий адолатсизлик хароб қилди. Ўзбекистоннинг неча ўн йиллардан буён ўндан тўққиз бойлигини бошқалар ўзлаштириб келяпти. Аввало мана шу бойликни олиб қолиш ва халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган йўлини қидириш керак.

Ҳозирчи? Ўзбекистон гўё ҳизирнинг омбори. Ким қандай хоҳласа унинг бойликларини шундай ўмаради. Энг яхши қонунлар халқнинг урф-одати, хислатларидан туғилади. Биздаям шулар ҳисобга олинган қонунларгина яшашга ҳақли.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
«Ёш ленинчи»нинг иқтисодиёт масалалари бўйича шарҳловчиси.

Долзарб мавзу

ФОЙДАСИ ЎЗГАГА-Ю, ЖАБРИ ХАРИДОРГАМИ?

Магазин омборидан астари чўғдек ёниб турган 100 жуфт болалар калиши чиқди. Бир ой бурун келтирилган бу буюмларга харидор йўқми? 3178 дона бир чизиқли дафтаргачи? Харидор бор.

Бу воқеа Тошкент шаҳрининг «Светлана» бекатида жойлашган «Болалар дунё»си фирмасига қарашли 3-«Школьник» магазинида содир бўлди. Бундан сўнг ўйинчоқлар сақланадиган омборхонани ҳам очишга тўғри келди. Бўлим бошлиғи Тамара Петровна Августовер омбор эшигини ҳамма нарса пештахтада бор дегандек, тихирлик билан очди.

Афсуски, болалар жон деб минадиган, ҳар бири 15 сўм турадиган тўрт ғилдиракли машинадан 17 донаси турибди. Аввалига Тамара Петровна яқинда келди, олиб чиқишга улгурмадик, деб айтди. Аслида машина кўпдан бери бу ерда сақланаётганлиги, ҳатто бир донаси сотилмаганлиги ҳам маълум бўлди. 24 дона 187 сўмлик «Металлофон» музика асбоби, 1 сўм 55 тийинлик 125 дона «Вертолёт» ҳам савдога чиқарилмаган. Мудира охири кўз ёш билан турли баҳоналарни рўкач қилишга уринди.

Шу магазиннинг канцелярия моллари бўлимида 1458 сўмлик харидоргир буюм пештахтага чиқарилмаган. Бўлим кичик сотувчиси Елена Пак 50 дона қоғоз-сочиқ, 350 дона ўн икки варақли дафтар омборда яшириб қўйилганига иқрор бўлди. Нима учун? Бу саволга магазин директори Мансур Тошпўлатов ҳам жавоб бера олмади.

Киров «Райпишеторг»ига қарашли 38-магазин мудири Ҳалил Ҳасанов сунъий танқислик пайдо қилишнинг янги — ўзига фойдали усулини ўйлаб топганга ўхшайди. Спиртли ичимликлар уч кун олдин келтирилган эди, ўша заҳотиёқ сотиб бўлинди, деб турган сотувчининг гапи ёлғон чиқиб қолди. Текширувда яшириб қўйилган ичимликлар топилди. Махсус пакетларга икки шишадан қулай қилиб қўйилган, 2 сўм 70 тийин турадиган «Жасорат» винолари... Бу «совға» 10 сўмдан пулланмайди, деб ким айта олади?

Оператив ходимлар магазиннинг турли хоналаридан 17 шиша вино, 10 шиша «Русская водка» топдилар.

Шаҳарда бўёқ танқислиги айримларга қўл келди. 20 сентябрь куни «Ташхозторг»га қарашли 1-магазин сотувчиси Аброр Жўраев харидорга 30 банка оқ эмаль сотиб, уни 24 сўм 60 тийинга алдади. «Ташгоплесстрой»нинг 21-магазини мудири Р. Маҳамадалиев «Россиянка» газ плитаси учун 50 сўм «дўппи» олди.

Дон маҳсулотлари сунъий танқислигининг кўпайишида 1-ОРСНОДнинг 20-магазини сотувчиси Л. Дунаева устаси фаранглардан чиқиб қолди. У 11 октябрь куни 7500 килограмм, яъни 1987 сўм 50 тийинлик унни яшириб қўйганлиги аниқланди. Ана шундай ҳол «Ташхлебторг»нинг 83- ва 105-магазинларида ҳам содир бўлди.

Тошкент Экскаватор заводи ҳузуридаги ширкат хизматчиси, ўттиз икки яшар Валерий Николаевич Костриковнинг «ихтиро»си ўзига панд берди. У бўш қолди дегунча, қурилиш материаллари магазини олдида юрадиган одат чиқарди. У шунчаки эмас, одамлар гапига қулоқ солиб юради.

— Бўёқди йўқми? — сўрайди харидор сотувчидан.

— Анчадан бери ундай нарса келмади, — жавоб берди сотувчи.

Шу маҳал Валерий эпчиллик билан харидор қулоғига шивирлайди:

— Сиз айтган бўёқдан бизда бор. Қанча керак?

Бу гал у бўёқни ҳар галгидек гаражидан олиб чиқиб, оператив ходимларга билмасдан сотиб қўйди.

Шуниси характерлики, Тошкент Лак-бўёқ заводининг аппаратчиси Сергей Риков корхонадаги хўжасизликдан фойдаланиб бўёқларни мунтазам равишда ўғирлаб чайқовчига етказиб берган. Лақма раҳбарлар корхонадан 0,5 тоннадан ортиқ бўёқ ўғирланса ҳам сезишмади-я.

Ҳеч қаерда ишламайдиган, қирқ икки ёшли жувон Орзу Солиҳова мўмай пул топишнинг ана шундай осон йўлини тутди. Қимматбаҳо кийим-кечакларни ҳар хил йўллар билан қўлга киритиб, оширилган нархда пуллади. Биргина 23 июль куни у бирваракайига 1280 сўмлик саноат молларини сотаётганда қўлга тушди. Аёлнинг уйида яна 10 минг сўмлик ана шундай камёб моллар сақланаётганлиги аниқланди. Бу иш юзасидан тергов давом этмоқда. Бундай мисолларни Тошкент шаҳрининг ўзидангина кўплаб келтириш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларда бир қадар ташвиш ва хавотирлик туғдирмоқда. Бундан фойдаланган айрим нопок шахслар пул топиб қолиш пайига тушмоқдалар.

Тошкент шаҳар Кенгаши ижроқўмининг Ички ишлар бошқармаси УБХССИнинг катта инспектори Владимир Павлович Турбин билан бўлган суҳбатимизда шу нарса маълум бўлдики, иқтисодий соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш учун астойдил курашилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнидагина жиноий чора кўрилиши лозим бўлган 878 чайқовчилик ҳоллари аниқланди. Афсуски, бу ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 21 фоиз кўп.

Жиноий иш ҳужжатларидан маълум бўладики, аксарият олиб-сотарлик кийим-кечак буюмлари, пойафзал, сигарет, спиртли ичимликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кир ювиш воситалари ҳамда атторлик буюмларини сотиб содир қилинмоқда.

Бу жиноятларнинг 297 таси алоҳида йирик миқдордаги олиб сотарликдир. Жиноий жавобгарликка тортилган ана шундай кишилардан 407800 сўм пул ва буюмлар тортиб олинди.

* * *

Тақчил моллар қаёққа кетаяпти, деган савол жумҳурият ишчи назоратини озиқ-овқат савдоси Тошкент базасига олиб келди. Ҳозирча бу базалардан атиги иккитаси — Чилонзор ва Фрунзе ноҳия базалари текширилди.

Тошкентдаги улгуржи атторлик моллари 2-базасида (директори Х. С. Орипов) 10 минглаб банка четдан келтирилган эрийдиган қаҳва топилди. Худди шу базада оз-оздан қадоқлаб жойлаб қўйилган деярли бир тонна эрийдиган қаҳва борлиги аниқланди. Худди шу ерда 1,5 тонна хом қаҳва дони сақланмоқда, халқаро стандартларга кўра, бундай қаҳвани сақлаш муддати чеклаб қўйилган. Комиссия протоколида ёзилганидек, базада «анча миқдорда» — ўн уч тоннадан кўпроқ қовурилган қаҳва дони борлиги аниқланди. Бир банкаси олти сўм турадиган қимматбаҳо қаҳвадан ташқари деярли бир тонна арзон қаҳва ичимлиги бор. Омборда топилган «майда-чуйдалар» — хориждан сотиб олинган товуқ-шўрва ва спагетти, хантал (горчица), турли нав чой тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади... Бу ерда уч миллион сўмлик ана шундай тақчил маҳсулот сақланаяпти.

Ишчи назоратчилар атторлик моллари улгуржи савдоси 3-базасига (база мудири Ё. Иброҳимов) етиб келишганда бу ерда икки вагон «Опал» болгар сигарети туширилаётган эди. Шу омборда бир йил олдин келтирилган салкам 2 миллион дона «Полёт» сигаретлари сақланаяпти. Агар бу сигаретлар барча тошкентликларга, шу жумладан чекмайдиган кишиларга тарқатилса, ҳар бир кишига бир қутидан тегиб яна ортиб қолади. Бунга яна икки вагон «Опал» ва омбордан топилган тўрт минг қути «Стюардесса» болгар сигаретини қўшсачи. Бундай мўл-кўлчиликни кўриб, Тошкентда сигарет нима учун етишмаяпти, деб ҳайрон қоласан, киши. Балки ҳаммасига савдо ходимларининг бўшанглиги айбдордир? Ёки аксинча, тақчиллик вужудга келтириб, фойда орттиришни кўзлаётганлар айбдормикан?

Молларнинг сифати бузилаяпти, чунки тамаки маҳсулотлари сақланаётган омборлар авария ҳолатида. Ишчи назорати комиссияси хулосаларига қараганда, бу омборлар сигарет сақлаш учун ярамайди — томдан чакка ўтаяпти, деворлар уқаланиб кетмоқда, тамаки эса нам ва омбордаги ҳидни ўзига тортмоқда.

Кир ювиш кукуни, совун ва шакар яширилаётгани ҳақида неча марталаб ёзилди. Тошкент шаҳар ижроқўми аралашгандан сўнг иш яхшилангандек бўлди. Талон орқали бизни совун ва шакар билан мунтазам таъминлаб туришибди. Ҳар бир уй бекаси бундай бойликларни стратегик мақсадлар учун ғамлаб қўйган. Бинобарин, тақчиллик бўшашгандек бўлди. Шунга қарамай, бу маҳсулотларни ғамлаш давом этмоқда, уларни сақлаш муддатлари ҳам, асраладиган молларнинг миқдори ҳам Чилонзор савдо базаларида (озиқ-овқат савдоси идорасининг директори М. С. Мажидов) бузилмоқда.

Чилонзор Марказий универсал магазини омборларидагина 15 минг ўрам атир совун, 6 мингтага яқин кирсовун, 24 минг қути кир ювиш кукуни сақланаяпти. Совун узоқ вақтдан буён шу ерда сақланаётгани учун қуриб қолган, уқаланиб кетаяпти.

— Бир текширишнинг ўзида биз иккита базада жуда тақчил моллар нормадагига қўшимча деярли 10 миллион сўмлик тўпланиб қолганини аниқладик, — дейди жумҳурият ишчи назорати комиссиясининг раиси М. Г. Сайфуддинов. — Бу фактларга доир ишлар тергов органларига топширилади. Афсуски, молларни яшириш ва чайқовчилик савдода ўзига хос сурункали касалликка айланиб қолди.

П. НИШОНОВ,
Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Очлик парҳези билан даволаш нима? Бу усулнинг афзалликлари ва камчиликлари қаерда?

Саволларга жавоб излаб ўтирмайлик. Шу усулни кенг қўллаш илинжида бир дунё азоб тортган тиришқоқ дўхтир тақдирини кузатиб қўяқолайлик. Ҳаммаси аён бўлади.

Уч-тўрт йил олдин эди, чамада, хоразмлик очлик билан даволовчи врач атрофида кўтарилган шов-шувлар, мақтовлар, эътирозлар, радиомалар... Кейинчалик бу шов-шув бир неча марта «қайта тирилади», оғиздан-оғизга кўчади, яхши-ёмон гапларни кураб-ямаб, кўпайиб бораверади. Дўхтирни излаб югурган даво истовчилар ниятларига ета олмаган пайтлари «сохта шуҳратга даъвогар» кишини боплаб сўкишгани бордир. Аммо, билишмайдики, дўхтир Ражабов умрининг тенг ярми ана шу усулни жорий этиш, афзаллик томонларини кўрсатиб бериш, беморларга малҳам бағишлаш йўлида катта-кичик идоралар билан курашишга кетди. Бундай пайти ҳар қандай метин иродали одам ҳам толиқаркан. Темирдан ясалмаганимизда. Асаб дегани соч толасига илиниб турган нозик матоҳ бўлса... Э, бор, деб қўл силтаб, кетмагани, ўзининг севимли касбини давом қилдириб, бўш вақтлари ҳайкалтарошлигини қилиб юрмагани...

Аммо, кўзлаган мақсадга интилиш бошқа-ю, унга эришиш бўлак нарса экан. Тинч яшашга қўярмиди?

Очлик билан даволаш табобат илмида мутлақо янгилик эмас. Буюк Гиппократ очликда даволашнинг манфаатларини ёзиб қолдирган. Улкан табиб Абу Али Ибн Сино фикрича, айрим касалликларни уч-тўрт кун оч қолдириш йўли билан даволаш мумкин. Бу усул ҳақида Луқмони Ҳаким ривоятлари сўзлайди. Афлотун, Арасту, Суқрот каби файласуфларнинг мулоҳазалари бор... Шу пайтгача хурофот деб калтаклаб келганимиз — рўза тутиш ҳам беҳудага ўйлаб топилган расм-русум эмас. Унда боболарнинг донолиги яширин.

Шўро олимлари ҳам очлик билан даволаш масаласига лоқайд қарашмайди. Москвада ва бошқа шаҳарларда худди шу усулни ўрганиб, кенг тарғиб қилиш билан шуғулланаётган олимлар талайгина. Бу борада етарли илмий ишлар қилинган, қилинмоқда. Зеро, кўпгина жумҳуриятларда очлик парҳези билан даволаш фаол йўлга қўйилган. Фақат бизда...

Дўхтир Рўзимат Ражабов ўттиз йилга яқин Урганч ноҳия марказий шифохонаси юқумли касалликлар бўлимида ишлади, уни бошқарди. Олий даража олди, соғлиқни сақлаш аълочиси бўлди. Ҳурмат ордени билан тақдирланди...

Яна бир севимли иши — ҳайкалтарошлиги. Юртдошлари сиймолари акс эттирилган ҳайкаллари Хоразмнинг кўпгина гўшаларида ўрнатилган, беш йил муқаддам ҳаваскорлик халқ ижодкорлиги Бутуниттифоқ кўриги нишондори бўлган. Яқиндагина юз йиллик тўйи кенг нишонланган санъаткор Шерозий ҳайкалини ишлади. У таниқли қўшиқчи юртида — тантана кунларида ўрнатилди.

...Ражабов очлик парҳези билан даволаш усулига қизиқиб қолгач, мавжуд манбаларни, илмий асарларни топиб ўқиди. Шўро табобатида шу усулда даволашни асосчиси профессор Ю. С. Николаев асарларини ёд олди... Бир неча беморда шу усулни қўллаб кўрди. Натижаси ёмон бўлмади. 1984 йилда Москвадаги 68-клиниканинг 4-терапия бўлимида очлик парҳези билан даволаш курсини битирди, шахсан профессор Ю. С. Николаевнинг ўзидан сабоқ олди.

Шу тариқа унинг азоб-уқубатлари, қувончу-ташвишлари бошланди. Курсни тугатиб, шу усул билан даволаш ҳуқуқи берилган ҳужжат эгаси бўлгач, иш бошлаши керак эди. Ноҳия раҳбарларининг оғзаки рухсати ва касалхона бош врачининг ташаббуси билан унга алоҳида жой ва ўрин ажратишди. Беморлар фақат ихтиёрий тарзда даволаш курсларини ўташлари керак эди. Ҳеч ким мажбур қилинмайди. Агар ўша пайтда Ражабов даволаган беморлар билан суҳбатлашилганда, уларнинг барчаси касалликдан фориғ бўлганини айтади, дўхтирга миннатдорчилик билдиради. Миннатдорчилик сатрлари махсус дафтарда ҳам қайд қилиниб, сақланиб қолган. Эътиборли томони, дастлабки даволанувчилар орасида врачлар ҳам бўлишган. Бирортаси норозилик билдирмаган. Қайтанга, шифо излаб келувчилар сони кўпайган...

1985 йилнинг охирига келиб, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими «кўққисдан» Ражабовни излаб қолди — гўё у жуда ёмон инфекционист врач эмиш, махсус кўрик комиссияси унинг олий даражасини олиб ташлади. Ўйлаб кўрилса, ҳаммаси баҳона — аслида ташаббускор дўхтирга ўз ишини давом қилдирмаслик — очлик парҳези билан даволашга барҳам бериш. Ражабов юқорироққа мурожаат қилишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус комиссия жўнатади — масалага ойдинлик киритиш учун. Аммо, юқори комиссия ҳам «ўжар дўхтир»га ён босмайди, аксинча, унинг ишидан бир қатор «камчиликлар» излаб, топиб «РДТ (очлик парҳези билан даволаш) методини Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус рухсатномасисиз мустақил қўллаш — қонунсиз ҳисобланади» деб бўлимни ёпади. Топилган камчиликлар — касалларни рўйхатга олиш, касаллик варақалари бериш... каби идора ҳужжатлари юритишга оид. Даволаш усули ёмон оқибатларга олиб келгани ҳақда бирорта бемор шикояти йўқ.

Дўхтир Ражабовнинг армонлари


Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими комиссиядан ҳам шошқалоқлик қилади. Дўхтир Ражабовга қаттиқ ҳайфсан, ноҳия марказий касалхонаси бош врачи А. Сафоевга ҳайфсан эълон қилади.

Дўхтир Ражабовни ҳимоя қилиш бу гал у даволаган собиқ беморлар зиммасига тушади. Вилоят рўзномасида бир қатор фикрлар босилади, вазирликка хат, истак, илтимосномалар жўнатилади. Юқоридан олинадиган жавоб эса бир қолипда: «...усул ўзини оқламаган», «рухсат йўқ»... Урганчга профессор Ю. С. Николаевнинг ташрифи ҳам ҳеч нимани ўзгартирмайди. Таниқли профессорга қулоқ осадиган мард раҳбар топилмайди. Ваҳоланки, бу пайтда иттифоқдаги элликдан ошиқ шаҳарда худди шу усул билан даволайдиган бўлимлар фаол ишлаб турганди, одамлар Москвага бориб даволанишарди...

Дўхтир Ражабов энди темир йўл шифохонасига ўтиб ишлай бошлайди. Вақтинча ишлаб турсин, кун келиб орзуси амалга ошар, юқоридагилар уни тушунишар...

Бир йилча ўтгач, узоқ ёзишмалардан сўнг — умидбахш ҳиссиётлар уйғотадиган воқеа рўй берди — жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий табобат кенгаши дўхтир Р. Ражабов масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун йиғилди. Кенгаш президиуми раиси академик Е. Тўрақулов имзо чеккан ҳужжатларда очлик парҳези усули борасидаги изланишларга ижобий баҳо берилган. Натижада вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига тавсиянома юборилади. Унда касалхоналарнинг бирида мазкур усул билан даволашни йўлга қўйиш, беморларни қабул қилиш ва даволаш пайтида қатъий лаборатория назоратини таъминлаш ҳақида гап боради. Вазирликнинг даволаш-профилактика бош бошқармасидан дўхтир Ражабов усулини синаб кўриш ва жорий этиш учун амалий ёрдам кўрсатиш ҳам сўралади.

Бу 1987 йилнинг 15 сентябрида кенгаш қарори. Орадан ярим йилча ўтгач, вазирлик 1988 йил 2 февралда 10-рақамли буйруқ чиқаради ва унда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига айрим касалликларни очлик парҳези йўли билан даволашга рухсат берилади. Агар мазкур тавсиянома ва буйруқни кўздан кечирсангиз, дўхтир Ражабовга раҳмингиз келади. Чунки, турли шартлар, тўсиқлар, эҳтиёткорлик воситалари аслида очлик парҳези усулини кенг жорий қилишга эмас, уни тамомила орадан олиб ташлашга қаратилган. Унда қайд қилинишича, дўхтир Ражабов очлик парҳези усули билан беморларни даволамайди, у фақат кузатувчи ва маслаҳатчи вазифасини бажаришигина мумкин. Ё, пирай!



Қизиқ, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий табобат кенгаши дўхтир Р. Ражабов масаласини ҳал қилишидан мақсад нима эди? Шунча югуриб-елган ташаббускорнинг йўлига янги тўсиқлар қўйиш, уни тавбасига таянтириш ва тамомила мақсадидан воз кечтиришми? Жамиятимизнинг етмиш йилки, олға силжимай бир ерда депсиниб туришига сабаб, ишлашни хоҳлаганларга баҳоналар рўкач қилиш, йўлдан қайтариш, ташаббусларни бўғиш, ишлашни истамайдиганларни эса мажбурлаш, асоратга дучор этиш, қулликда сақлаш. Турли-туман баланд-паст, ҳатто атамаларини айтса ақл шошадиган идора-юташкилотларда тирикчилик қилаётган минглаб, миллионлаб калтабин бюрократлар ҳамма нарса силлиқ кетаверса, ишсиз қолишади-да...

Масалага яна қайтамиз. Вазирлик тавсияномаси ва буйруғининг вилоятдаги ижросига. Тўғри, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими юқорининг буйруғига ўхшаш буйруқ «ижод этди» — унда 1-сон вилоят марказий шифохонасида ҳар бирида беш ўринлик икки хона ажратиш, уларга даволовчи врачлар бириктириш ҳақида қарор қилинди. Ражабов эса бор-йўғи назоратчи этиб тайинланди.

Ўшанда шифохонада янги усул тўғрисида гап кетганда айрим врачларнинг эътирози, қаршилигини айтинг. Улар «очлик» сўзини эшитганлар ҳам келмади.

Энди дўхтирнинг фикрларини эшитайлик.

«Мен ҳеч қандай янгилик кашф қилмадим, эски усулни ёшартдим, холос. Баъзилар «очлик» сўзини эшитиб, дарров эътирозга ўтишади. Ахир очлик билан очлик парҳези ўртасидаги фарқ жарроҳ тиғи билан жаллод қиличи ўртасидаги фарқдек. Юсуф Ҳамадонийдек улкан шахс руҳий касалликларни оч қўйиб, даволаш мумкинлигини исботлаган. Фаолиятимнинг бошламасида пиелонефрит ва колит каби оғир хасталикларни даволадим. Кейинча, юрак-қон, томир касалликлари, қон босими, стенокардия, ошқозон-ичак хасталиклари, сурункали ошқозон яллиғланиши, жигар касалликлари, тери касалликларининг айримларини даволашга ўтдим. Ноҳия касалхонасида ишлаган пайтларим беш юздан ортиқ бемор мурожаат қилди. Даволаш натижалари эса ижобий. Кўпгина беморларда хасталиклар қайта такрорланмади...

...Даволанишни хоҳловчилар қатъий режим остида бўлишади. Улар аввало, табобат кўригидан ўтишади. Муттасил оч юриш ҳам ярамайди. Ҳозирча қисқача изоҳлашга ҳаракат қиламан: дастлабки уч-тўрт кунда одам қийналади. 5—6 кундан сўнг эса иштаҳа йўқолади, одам ўз организмида тўпланган энергия ҳисобига яшай бошлайди. Кейин бемор аста-секин оз миқдорда, мевалар, сут маҳсулотлари истеъмол қилади. Тўла овқатланишга ўтиш муддати эса касаллик асоратининг организмда йўқолишига қараб белгиланади...

Экологик муҳитнинг ёмонлашуви касаллик турлари ошиши, бемор кишилар сонининг ҳаддан зиёд кўпайишига олиб келди. Ёмон муҳитда даволанган беморда касаллик қайталанаверади. Ёки, кўпчиликнинг таъбири билан айтганда, организм дори-дармоннинг қуввати кетгунча ўзини яхши ҳис қилади, кейин яна ёмонлашади. Укол олишга ўрганиб қолади. Ҳозирги шароитда уколсиз, дорисиз даволаш йўллари энг мақбулдир. Очлик парҳези бу йўлда яна бир мадор...»

Ўтган йилнинг 12—13 октябрь кунлари Москвада очлик парҳези методикаси борасида Бутуниттифоқ илмий-тажрибавий кенгаш бўлиб ўтди. Дўхтир Р. Ражабов унда қатнашди ва илмий маъруза қилди. Ачинарлиси шуки, Ражабов Ўрта Осиёдан қатнашган ягона вакил эди. Ҳозирда ҳам жумҳуриятда бу усул билан қизиққан ягона врач унинг ўзи. Очлик парҳези усули Ўрта Осиёда неча минг йиллардан буён қўллаб келингани тарихдан маълум. Сўнгги пайтга негадир унга эътибор йўқ. Бўлса-да ташаббускорнинг йўлида минг ғов, минг тўсиқ. Қадим-қадимдан дунё фанига улкан кашфиётлар, бутун-бутун тармоқ яратиш мактабларига туҳфа этган Турон заминида худди шу ибтидоий фанлар ривожи ибтидоий аҳволда қолаётгани, қўлимиздаги нарсани олдириб, мўрсони йўқотиб, хор-зор, «салқам юз фоизи саводсиз» халққа айланиб қолганимиз — мана шу сунъий тўсиқларнинг кўплиги, силсиланинг бошдан-оёқ кераксиз қоғозбозликларга чирмаб ташланганида.

...Ўтган йил ҳақида гапирдик. Чунки, бу пайтга келиб дўхтир Ражабов елиб-югуришларининг оқибати ўлароқ, ширкат тарзида очлик парҳези билан даволаш муассасаси очишга эришганди. Тегишли ташкилотлар саҳийлик қилишгандай бўлганди. Қисқа фурсатда юзга яқин беморни даволаганди...

Дўхтирнинг таърифини эшитган беморлар нафақат жумҳуриятимиздан балки, Иттифоқнинг бошқа бурчакларидан ҳам келиб, мурожаат қила бошлашганди. Урганч ноҳиясида ташкил этилган Абу Али ибн Сино номи билан юритилган Р. Ражабовнинг даволаш ширкати шон-шуҳрати тағинда узоқларга кетиши мумкин эди...

Нега «эди» деяпмиз? Чунки, мана тўрт ойки ширкат бино йўқлиги боис ўз фаолиятини тўхтатди. Вилоят ижроқўмининг шу борадаги махсус қарорини бажаришни зиммасига оладиган мард йўқ...

...Дўхтир Ражабовнинг шахсий устахонаси. Ҳамма ёқда санъат асарлари, ҳайкалларнинг дастлабки нусхалари, эскизлари... Мана у қачонлардир узоқ муддат фаолият кўрсатган, умрининг ярмидан кўпини бағишлаган Урганч ноҳия касалхонаси биноси олдида ўрнатилган Абу Али ибн Сино ҳайкалининг нусхаси. Ражабов севимли ишгоҳидан кетди, лекин у ижод этган ҳайкал қолди...

«Абу Али ибн Сино номли ширкат» ёзуви ҳам шу ерда — ҳайкаллар орасида ётибди. Йўқ, бу дўхтир ижоди намунаси эмас. Кўрсаткични осадиган бинонинг ўзи йўқлигидан у шу ерда — доимий кўргазмада.

...Сочлари оқарган, пешоналарини ажин босган дўхтир ижодхонасида ўйга чўмганида — хаёлидан нималар кечаётганини пайқаш қийин эмас. Илҳоми келган. Қайсидир бир буюк юртдоши сиймосини тошларга абадий муҳрламоқчи. Балки, мустақиллик туғини ҳар недин улуғ билган Жалолиддин Мангуберди сиймосини яратар, балки шу эркни душман қўлига жангсиз тутқазган Хоразмшоҳнинг афтода ҳолинидир?.. Билмадик.

Аммо, ишонамизки, бир кун келиб дўхтир — ҳайкалтарош Рўзимат Ражабов бетакрор бир санъат асари яратади. У сим тўрлар, қоғоз қўрғонлар қуршовида қолган ожиз киши ва унинг елкасига миниб олган улкан маҳлуқнинг ҳайкали бўлади. «Бюрократ» деб номланади бу ёдгорлик. Дўхтир Ражабов кун келиб, шундай ҳайкал яратишга шубҳа йўқ. Чунки, бюрократиянинг неки азоб-уқубати, сарсон-саргардонлиги борки — шу ёшида, шу бошида синаб кўрди...

Бу ҳайкални дўхтир ихтиёрига бериладиган ширкатнинг янги биноси олдида ўрнатган маъқул. Негаки, ўшанда шифо истаб келганлар аввало шу қўрқинчли ҳайкални томоша қилишар, бу кунларга етиб келган кунга ҳамду санолар ўқишарди...

Ҳар куни эрта билан ўзининг севимли иши — хасталарга шифо бахш этиш сари отланган дўхтир Ражабов бу ҳайкал ёнидан ўтаркан, ушалган армонларини бир қайта ўйлар...

Шу кунлар яқинмикан?..

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижадан хабарлар

НАГАСАКИДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҲАФТАЛИГИ

НАГАСАКИ. (СИТА мухбири Владимир Кучко). Бу ерда ўтаётган «Саёҳат-90» халқаро кўргазмасига келган томошабинлар рус халқи қўшиқларининг куйлари билан кутиб олинди. Бу ерда Совет Иттифоқи ҳафталигининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ҳафталик давомида савдо-саноат доираларининг ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари совет делегацияси билан учрашадилар. Делегацияга «ССЖИ—Япония» жамияти бошқарувининг раиси, ССЖИ денгиз флоти вазири Юрий Вольмер бошчилик қилмоқда. Шаҳар тинчлик боғида Совет—Япония урушга қарши митинги ўтказилади, Нагасакидаги руслар қабристонида ёдгорлик очилади, Владивосток, Орёл, Владимир вилоятларидан келган мусиқа жамоаларининг чиқишлари бўлади.

«Шаҳримизда Совет Иттифоқи ҳафталиги кунларининг ўтказилиши Япония билан ССЖИ ўртасидаги ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беради, деб умид қиламиз», — деди маросимда кўргазма директори Тосио Мацуфудзи.

ПОЛЯКЛАР ҚУРОЛЛАНМОҚДА

ВАРШАВА. (СИТА мухбири Александр Потёмкин). Варшава Американинг XIX асрдаги «ёввойи ғарб» шаҳарчасига айланадиган пайтга жуда оз вақт қолди. «Штандар млодих» («Ёшлар байроғи») рўзномаси Польшада газ қуроли ва «шахсий ҳимоя воситаси» бўлган бошқа ўқотар қуролларни сотишга рухсат этилгандан буён бу ерда вужудга келган ижтимоий муаммони ана шундай шарҳлади.

Пойтахт аҳолиси баҳоли қудрат қуролланмоқда. Савдо қилиш учун расмий рухсатномаси бўлган 230 савдогар сентябрнинг бошларидан буён 19,5 мингта газ тўппончасини сотди. Полиция ҳисоби мамлакатга яширинча олиб келинган бундай қурол миқдорини хабар қилмайди. Четдан келтирилган қуроллар расмий равишда харид қилинганидан кам эмас, деб тахмин қилишгина мумкин.

Матбуотнинг фикрича, газ тўппончадан чинакам тўппончага ўтиш қийин эмас. Лекин газ тўппонча билан қуролланган бандитга дуч келиш ҳеч кимни мамнун қилмайди. «Қувноқ» тўдалар доирасида қанчадан-қанча турли «келишмовчиликлар» газ тўппонча билан ҳал қилинганлигини тасаввур этиш мумкин. Шу муносабат билан полицияга ўқ узадиган қуролни харид қилиш учун рухсат беришни сўраб ёзилган аризалар кўпайиб кетмасмикан?

Рўзнома маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда пойтахтнинг ўзидагина хусусий кишиларнинг ўзида 400 дан ортиқ ҳақиқий тўппонча бор. Бундан ташқари полициячилар ва идорага қарашли бўлмаган соқчилик ходимларининг бир ярим мингтача тўппончаси бор. Яна 1,9 мингтага яқин ўқ отиш қуроллари фирмаларга тааллуқлидир, улар «зарур бўлган ҳолларда» бу қуролларни ўз ходимларига беради. Мамлакатда қурол билан юришга рухсат бериш шартлари жуда қаттиқ бўлса ҳам ҳар ҳолда рухсатнома олиш мумкин.

Автомобиль ўғрилари кўпаймоқда

НЬЮ-ЙОРК. (СИТА мухбири Владимир Мостовец). АҚШдаги энг йирик шаҳар бу ерда ҳар йили ўғирланаётган автомобиллар миқдорига кўра биринчиликни эгаллаб турибди. «Нью-Йорк пост» рўзномасида эълон қилинган маълумотларга кўра Нью-Йоркда автомобилларни ўғирлаш ҳоллари мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан тўрт баравар кўпдир. Техас штатидаги Хьюстон билан Сан-Антонио шаҳарлари автомобиллар энг кўп ўғирланадиган шаҳарлар рўйхатида иккинчи ва учинчи ўринларда туради.

Автомашиналарни ўғирлаш Мексика билан чегарадош бўлган ноҳияларда, айниқса, кенг тарқалган. Жиноятчилар автомобилларни Мексикага олиб боришаяпти ёки қисмларга бўлиб у ерга жўнатишаяпти, кейин эса яна йиғиб сотишмоқда.

Суғурта компанияларининг маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда ўғриларни кўпроқ спорт автомобиллари қизиқтирмоқда. «Женерал моторз» компанияси ишлаб чиқарадиган «Понтиак-файербэрд» модели АҚШда энг кўп ўғирланаётган машинадир.

АРМИЯГА АЁЛЛАР КЕРАК

БЕРН. (СИТА) Илиқ куз кунларидан бирининг тонги Швейцарияда яшаётган чет эллик айрим аёллар учун сира кутилмаган янгиликдан бошланди. Улар почта орқали бош штабдан миллий армия аёллар хизматига кўнгилли равишда ёзилиш таклиф этилган хабарнома олдилар.

Ташвишга тушган аёллар изоҳ берилишини талаб қилдилар ва шунда илгари ҳам армияда аёллар етишмаслигидан бир неча бор расман нолиган ҳарбийлар «чалкашлик»ка йўл қўйганликлари маълум бўлди. Швейцарияда чет эллик аёллар легионини ташкил этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлашди бош штабда. Миллий армия аёллар хизматининг котибиятидагилар ҳам бу ахборотни тасдиқладилар ва армияга фақат Швейцария фуқароси бўлган аёллargина олиниши мумкинлигини тушунтирдилар.

Фақат кўнгиллилар қабул қилинадиган миллий армияда ҳозирги пайтда 3150 аёл хизмат қилмоқда. Ҳолбуки, армия бош штабининг фикрича, Швейцария армияси мазкур бўлинмасининг таркибини 3800 кишига етказиш керак.

Айни шу мақсадда яқинда мамлакатда миллий армия аёллар хизмати сафларига янги одамларни жалб этиш юзасидан умуммиллий кампания ўтказилган эди. Шу кампания давомида Цюрихдаги хусусий манзилгоҳ хизмати томонидан махсус танлаб олинган 70 минг номзодга тегишли таклиф-мактублар жўнатилганди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БРАТИСЛАВА. Словакия Компартияси — сўл демократлар партияси (СКП — СДП) — бундан буён СКП ана шундай номланади. Словакия коммунистларининг якшанба куни Прешов шаҳрида тугалланган олий анжумани иштирокчилари қизғин мунозарадан кейин ана шундай тўхтамга келдилар. Партиянинг қўш номи вақтинча бўлади ва съезд СКП — СДП Марказий Қўмитасига «ҳуқуқий, ички сиёсий ва ички партиявий шароитлар вужудга келганидан кейин» партиянинг номини тўла ўзгартириш (унинг биринчи қисмини олиб ташлаш) эҳтимоли тўғрисидаги масалани ҳал этиш ваколатини берди. Съезд ишида партиянинг қарийб 200 минг аъзосидан вакил қилиб юборилган 414 делегат, шунингдек, ЧСКП Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Васил Могорита билан Чехия ва Моравия Коммунистик партиясининг раиси Иржи Свобода иштирок этдилар.

● АФИНА. Грецияда якшанбадан душанбага ўтар кечаси муниципал сайловнинг кеча бўлиб ўтган иккинчи, якунловчи даврасининг дастлабки натижалари эълон қилинди. «Янги демократия» ҳукмрон консерватив партиясининг номзоди катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Салоники шаҳри ҳокими бўлди. Ҳукмрон партия биринчи давра якунларига кўра Афина ҳокими лавозимига ҳам ўз номзодини ўтказди. Шундай қилиб, бу партия энди парламентнигина эмас, шу билан бирга Грециядаги икки энг йирик шаҳарни ҳам назорат қилиб туриш имконига эга бўлди. Иккинчи даврада овоз бериш — биринчи давра давомида бирорта ҳам номзод зарур кўпчилик овозни ололмаган 142 муниципалитетда ўтказилди.

● ГАВАНА. Ўтган ҳафтада — 14—20 октябрь кунлари бўлиб ўтган жанглар мобайнида Сальвадор ҳукумат қўшинларидан 152 киши ҳалок бўлди ва яраланди. Якшанба куни Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг яширин радиостанцияси ана шундай хабарни тарқатди. Илопангодаги ҳарбий ҳаво кучлари жойлашган қисмга қилинган ҳужум энг муваффақиятли ўтган жанговар операциялардан бири, деб айтилди. Қўзғолончилар Америкада ишлаб чиқарилган 16 та жанговар вертолётни ишдан чиқаришга муваффақ бўлдилар.

● УЛАН-БАТОР. Молия Вазирлиги билан МХЖ давлат банкининг мутахассислари дастлабки Монгол акцияларининг намуналарини ишлаб чиқдилар. Уларнинг икки хилини жорий этиш таклиф этилмоқда: «А» шакли — хусусий шахслар учун, «Б» шакли — корхоналар, ташкилотлар ва ширкатлар учун мўлжалланган.

Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари акциялар намуналари билан таништирилди. Уларнинг оборотга киритилиши хусусийлаштириш жараёнини тезлаштиради. Монголия молиячиларининг сўзларига қараганда амалда барча саноат корхоналари, деҳқончилик хўжаликлари, ширкатлар ва бошқа ташкилотлар акциячи бўлиши мумкин. Фақат йирик иссиқлик электр станциялари, марказий тайёрагоҳ, эҳтимол, темир йўл транспорти ва умумдавлат аҳамиятига молик бўлган бошқа айрим объектлар бундан мустаснодир.

(СИТА).

Жиноятчи ушланди

КАРАКАС. (СИТА). Интерпол зўр бериб қидираётган «Граф Монте Кристо» лақаби билан машҳур жиноятчилардан бири Венесуэлада ушланди.

Радионинг хабар қилишича, гап асли испаниялик бўлган тутқич бермас қароқчи Хайм Месиас Фигероа тўғрисида бормоқда. У 25 марта қотиллик қилган, 35 марта банк ва заргарлик дўконларини талаган. У асосан Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳаракат қилган. Унинг ёнидан Хайм де Лессерс номига ёзилган сохта Мексика паспорти тортиб олинган.

Венесуэла пойтахти хавфсизлик органлари ходимлари жиноятчини жума куни, у ҳеч нарсадан бехабар, ўзининг серҳашам уйида дам олаётган пайтда қўлга туширдилар. Афтидан, Фигероа Каракасда жуда яхши жойлашиб олган. Ўзининг венесуэлалик хотини «Аэролинеас латинас» авиакомпанияси маҳаллий филиали 66 фоиз акцияларининг эгаси эканлигидан фойдаланиб, у авиакомпаниянинг маъмурий кенгашига кириб олган.

Венесуэла хавфсизлик органлари уни кейинчалик Испания маъмурларига топшириш мақсадида жиноятчи тутилгани тўғрисида шу мамлакат полициясини хабардор қилдилар.

Ранг-баранг олам

МАЖБУРАН ЮВИНТИРИШДИ

● Шифокорларнинг таъкидлашларига кўра, киши икки ҳафта ювинмаса, унинг озодалик даври тугаркан. Албатта, кениялик ҳунарманд Визхельднинг бундан хабари бўлмаган бўлса керак, акс ҳолда у 3 йил ювинмасдан юрармиди? Унинг дўстлари бу ҳолга тоқат қилишолмади. Ахир ундан «антиқа ҳидлар» таралар эди-да. Шундай қилиб, Визхельд мажбуран ювинтирилди. Сўнгра сартарошхонага бошлаб боришди. Кийим-кечаклари ўтда ёндирилди. Етказилган маънавий зарарни қоплаш мақсадида дўстлари унга янги шим ва кўйлак ҳадя этишди. Ҳамда яқин орадаги барда пиво билан меҳмон қилишди.

САФЛАНИНГЛАР!

● Гарри Троллоп бир неча йилдирки, Бермонт (АҚШ) штатидаги фермаларнинг бирида антиқа тажриба олиб бормоқда. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар туркумига мансуб бўлган бу жониворлар — америка протейларидир. У 1400 куб метр ҳажмдаги шиша идишда 6 та жониворни ўргатмоқда. Ўргатиш учун у электромагнит тўлқинини қўллаяпти. Троллопнинг хизматлари самарасиз кетаётгани йўқ. Жониворлар унинг таъсири билан сафланади, шўнғийди ҳамда чиройли ҳаракатлар қилади. У ўргатувчи шогирдларининг қобилиятини циркда намойиш этиш ниятида, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» рўзномаси.

МУОМАЛА ВА ИҚТИСОД

● Цюрихдаги марказий телефон станцияси алоқачилари ўз муштарийларига «Ассалому алайкум» дейишни бас қилишди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, саломаликка кетадиган вақт 4 секундни ташкил этар экан. Бир сменада бўладиган 7 минг телефон алоқасига эса 8 соат вақт сарф бўлиши аниқланди. Бу эса «Салом-алик»ка кетадиган вақтнинг бир ишчи иш соатига тенг эканлигини исбот этади. Шу боисдан, алоқачилар шундай қарорга келишди.



Иттифоқ бўйлаб

КУРСК ВИЛОЯТИ. Курск давлат педагогика билимгоҳи тарих куллиётининг 60 нафар талабаси ССЖИ тарихи таҳсилгоҳи катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди В. Енуков раҳбарлигида қадимги рус шаҳарчасида қазилма ишларини олиб бордилар.

СУРАТДА: талаба Владимир Шульгин ер остидан топилган қазилма бойликларидан бири билан.

* * *

УКРАИНА ССЖ. Львовдаги «Весна» савдо-ишлаб чиқариш бирлашмасида аксарият технологик операцияларни автоматлар бажаради. Автоматлар эса ягона компьютерлар марказидан бошқариб турилади.

Бирлашма ОФЖ, Италия, Канада, Финляндия, Югославия фирмаларидан контракт тузиш ҳақида бир қанча таклифлар оляпти.



СУРАТДА: бирлашманинг янги моделлари.

СИТА суратхроникаси.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

БУХОРО

Бухоро кўнглимдек вайрона, чўккан,
Кўзимнинг қирғоғи мисоли намчил.
Ишқу меҳр тилаб кўз-ёшн тўккан
Зарифа сингари дилбар ва дардчил.
Бухоро — чиркину, нопок дилларининг
Зуғмидан хўрланган илоҳий санам.
Бухоро — мен кетган олис йўлларининг
Бошида кўз тутган интизор онам.
Бухоро — бир умр талпиниб, бироқ
Фалакка етмаган отамнинг оҳи.
Бухоро — бир умр чекилган фироқ,
Бир умр мазмуни, пок саждагоҳи,
Бухоро — нурлардан яралган маъво,
Тошларга битилган армон ва ҳасрат.
Бухоро — ранглардан таралган наво,
Аждодлар қолдирган табаррук бир хат,
Бухоро — кўзимдан қалқиб чиққан ёш,
Хўрликдан, шўрликдан келган дафъатан.
Бухоро — бор мулки этилган талаш
Мўътабар ошиён, Муқаддас Ватан!

Мухтор КОМИЛ.

МЕРОС ЎЗ СОҲИБИГА ҚАЙТАРИЛИШИ КЕРАК!

Юқоридаги ойнасўз остида одатда фақат расмий ахборотлар берилишига кўниккан муштарийларимиз ушбу шеърни ўқиб, бироз таажжубда қолган бўлсалар эҳтимол. Аммо таажжубга ўрин йўқ, азиз муштарийлар, муборак юртимиз фуқаролари.

Гап шундаки, яқинда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қошидаги Ошкоралик комиссияси ҳамкорликда ўтказган ғоят муҳим йиғин мавзуси юқоридаги шеър мавзусига чамбарчас уйқаш бўлди. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши раиси муовини Ў. Р. Умарбеков ва Ошкоралик комиссияси раиси Э. Воҳидовлар олиб боришган бу муҳим йиғинда Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги музейлар бошқармаси раҳбарлари, вилоятларининг маданият бошқармаси бошлиқлари тарихий обидаларимизни сақлаш борасида жонкуярлик қилаётган ёзувчи ва журналистлар иштирок этдилар.

Йиғинда узоқ йиллар давомида Ўзбекистондан ташкилий суратда олиб чиқиб кетилган, аслида ўзбек халқининг маданий мероси ҳисобланмиш турли қимматдаги ашёларни жумҳуриятимизга қайтариш масаласи кўриб чиқилди.

— Биз кўпинча маданий мерос деганда фақат айрим тарихий меъморчилик обидаларинигина тушуниб қолганмиз, — деди Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши раиси муовини Ў. Р. Умарбеков. — Ваҳоланки, турли зеб-зийнатлар қадимий қурол-аслаҳалар, ашёлар, либослар, кулолчилик ва ҳунармандчилик буюмлари, нодир қўлёзмалар ва ҳоказолар ҳам ўзбек халқининг маданий мероси таркибий қисмидир. Тўғрисини айтганда меросимизга, музейлар фаолиятига шу вақтгача жиддий эътибор берилмади. Ҳалигача бирор музейда у ерда сақланаётган коллекциялар тўла рўйхатдан ўтказилмаган. Бунинг оқибатида бебаҳо санъат асарлари, Ўзбекистондаги халқлар тарихининг ажралмас бўлаги бўлган нодир ашёлар ҳамон мамлакатнинг турли чеккаларига ташиб кетилмоқда.

Маданият вазири вазифасида ишлаб турган пайтимда жумҳуриятимиз вилоятлари маданият бошқармалари раҳбарлари билан бу борада ишларни ўрганиш юзасидан бир қатор тадбирлар режалаштирган эдик. Бироқ, ўша режалар режалигича қолиб кетди. Маданият вазирлигининг музейлар бошқармаси бу ишга ҳалигача совуққонлик билан қараб келаётир.

Мана, менинг қўлимда Эрмитаж ходимларининг Қувайтда чоп этилган китоби. Унда суратлари акс этган нодир ашёларнинг аксарияти Ўзбекистонга тегишли эканлиги шубҳасиз. Ўзбек халқининг маданий мероси қандай йўллар билан Эрмитажга бориб қолди? Бу саволга жавоб турлича, албатта. Бир неча ўнлаб йиллар муқаддам жумҳурият мулки ҳисобланган нодир ашёлар баъзан совға сифатида, баъзан шунчаки турли кишиларга бериб юборилган. Гоҳида ўта ноёб буюм бирор раҳбарнинг иш кабинетида тура турсин деб эътиборсиз қолдирилган. Гоҳида меҳмон сифатида Ўзбекистонга келган кишилар қўлига ҳам масъулиятсизларча тутқазиб юборилган. Ана шунинг оқибатида жуда кўп маданий меросимиз СССРнинг турли шаҳар ва вилоятларида, ҳатто чет элларга сочилиб кетган. Бизнинг мақсадимз халқимизнинг ана шу меросини унинг қонуний меросхўрларига қайтаришдир.

Жумҳуриятлардан ташқарига олиб чиқиб кетилган нарсаларни асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар шахсий коллекциялардан Эрмитаж ва бошқа музейлар сотиб олган ашёлар, совға сифатида берилган ҳамда жумҳуриятдан қандайдир актлар асосида олиб чиқиб кетилган нодир нарсалар. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қошидаги Ошкоралик комиссияси билан ҳамкорликда ана шу вазиятни ҳисобга олиб, бу нодир нарсаларни Ўзбекистонга қайтариш лозим деган хулосага келди. Шунинг учун жумҳурият ҳудудидан олиб чиқиб кетилган нарсалар рўйхатини тузиш, уларнинг қаердалигини ва қандай асосга кўра олиб кетилганлигини аниқлаш лозим бўларди.

Албатта, бу ўта нозик ва кенг кўламли, мураккаб иш. Бироқ ишни ҳозир бошламаслик мумкин эмас. Шу сабабли биз бу ерга мутахассисларни, жонкуярларни жалб этдик. Ўрни келганда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» рўзномаларида ана шу мавзуни ёритишга катта эътибор берилаётганлигини, ҳаққоний мақолалар чоп этилаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш керак. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, биз «Мерос» комиссиясини ташкил этишни режалаштирдик. Бу комиссия қошида бир неча йўналишдаги комиссиялари мавжуд бўлади. У масалан Хоразм ва Қорақалпоғистон, Самарқанд, Бухоро каби йўналишлар бўйича фаолият кўрсатиб, музейларда мавжуд барча ашёларни ҳамда у ердан олиб кетилган нарсаларни рўйхатга олади. Бунга қанча вақт кетмасин, зудлик билан шу ишга киришиш, бу муҳим соҳага жамоатчилик эътиборларини қаратиш лозим. Токи, ҳар бир фуқаромиз ўзи нималарга меросхўр эканлигини билсин. Бу ишда бизга кўмак берсин.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши раиси муовини яна «Меъмор» ишлаб чиқариш бирлашмаси амалга ошираётган таъмирлаш ишларининг жуда сифатсизлиги, ундан кўра обидаларни айрим қардош жумҳуриятлардаги каби консервация қилиш йўлидан бориш маъқуллигини ҳам қайд этди.

Ошкоралик комиссия раиси Эркин ВОҲИДОВ бу кенг кўламли ишнинг бошланишини кечиктириб бўлмаслигини таъкидлади.

— Меросимизга лоқайдлик билан муносабат туфайли улардан Ҳамид Сулаймондек жонкуярлар катта маблағ эвазига бўлса-да, кўчирмаларни чет элдан келтиришга уринганлар, — деди у. — Бу эзгу вазифани биз бўлмасак албатта фарзандларимиз амалга оширадилар. Бироқ бу ишни бугун бошламоқ керак. Ошкоралик комиссияси бу ишни умумхалқ ишига айлантириш лозим деб ҳисоблайди. Турли музейларда сочилиб ётган меросимизни Ўзбекистонга келтириш бир вазифа. Бизнинг ўзимизда мавжудларини ҳам эҳтиётлашимиз, уни халққа етказишимиз керак. Шу борада ҳукуматимиз катта дастур ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ойбек музейи директори Н. Содиқованинг бу мавзудаги сўзлари айниқса фактларга бой бўлди.

— Чор Россиясининг ҳукумати, — деди у жумладан, — Ўрта Осиё бойликларини ташиб кетишни бу ерларни босиб олишдан анча илгари режалаштириб, амалга оширишга киришган. Оврупанинг бошқа мамлакатларидан Вамбери, Клавихо сингари олим, элчи қиёфасидаги кишилар юртимиз бойликларидан олиб кетишга интилганлар. Бироқ, маданий меросимиз Чор Россияси босқини даврида Шарқшунос Кун ва зобит Кауфман раҳбарлигида ташкилий суратга кўчди. Бу талон-тарождан бирор бир рус аскари четда қолмаган. Уларга жойларда нималарга эътибор бериш ва ўлжаларни қаерга топшириш борасида ёзма йўриқлар берилган. Бу ҳол 1853 йилдан 1888 йилгача муттасил давом этган Олиб чиқиб кетишнинг иккинчи даври Улуғ Октябрь инқилобидан кейин амалга оширилган. Кўп ҳолларда маҳаллий раҳбарлар, фуқароларнинг ўзлари ҳам англаб-англамай бу ишга кўмаклашганлар. «Туркестанские ведомости» рўзномасининг турли сонларида қайд этилишича, Акром Асқаров деган киши 14000 тангани, Мирзо Абдулла Бухорий деган киши 6300 нарсадан иборат шахсий коллекциясини Петербургдаги Осиё музейи (Эрмитаж)га топширган. У ўз васиятномасида буларни Туркистон халқи учун сақланиб қолиши ниятида қилганлигини таъкидлаган. Уларни қайтариш вақти етди.

Жумҳуриятимиз мулкига, шу ерлик халқ маданий меросига ҳалигача онгли муносабатда бўлинмоқда, дейиш қийин. Биргина мисол: 1989 йил февралида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясидан икки ишчи 16 килограмм оғирликдаги икки хум кумуш тангалар топиб олишади. Уни ноҳия молия бўлимига элтиб топширадилар. Молия бўлими раҳбари ҳе йўқ, бе йўқ, Темур даврига оид бебаҳо кумуш тангаларни Москвага — Госхранга жўнатиб юборади. Мана кичик бир раҳбарнинг халқимиз меросига етказган зарари. Ахир улар наҳот бу ерда топилган ҳар бир нарса ўзбек халқига тегишли эканлигидан бехабар бўлишса? Ўзбекистон ҳудудида ишлаётган турли археологик экспедициялар ҳам топилмаларни доимо жумҳуриятда қолдираяптилар деган ишонч йўқ. Шундай экан, ҳукуматнинг ушбу борадаги ҳар бир иши савобли, халқимиз келажагини ўйлаб қилинган тарихий ишдир дейиш мумкин. Мен комиссиянинг тезроқ барпо этилиб, бунга Фанлар академияси, тегишли олимлар, мутахассислар жалб этилиши тарафдориман.

Обидаларимизни асраш борасида матбуотда фаол чиқишлар қилиб келаётган шоир Хуршид ДАВРОН маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган қадимий қўлёзма китобларни эътибордан соқит қилмасликни ўтинди.

— Жумҳуриятдан четга олиб чиқиб кетилган Фитрат ва Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II) кутубхоналари Ўзбекистонга қайтарилиши керак, деди у жумладан. — Айни пайтда кўз ўнгимизда юзлаб йиллардан бизгача етиб келган нодир қўлёзмалар нобуд бўлмоқда. Тезроқ уларни микрофильмларга кўчириб, алоҳида фонд ташкил қилиш даркор. Бу нодир асарлар халққа тақдим этилиши устида бош қотириш керак. Шу кунларда «Санъат» ойномаси бекилиши ҳақида гаплар юрибди. Менимча бу ойномани «Мерос»га айлантириш ва унда қадимий асарларни чоп этиш оқилона иш бўларди.

Шундан сўнг Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятлари Маданият бошқармаси вакиллари, Ўзбекистон бош ҳужжатгоҳ бошқармаси бошлиғи Ниғматов, Маданият вазирлиги музейлар бошқармаси бошлиғи В. Тихомировлар бу борада ўз фикрларини билдирдилар. «Мерос» комиссиясини ташкил этишни барча ёқлаб фикр билдирди.

— Бу мураккаб ва масъулиятли иш, — деди йиғин якунида Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши раиси муовини Ў. Р. Умарбеков. — Уни амалга ошириш нафақат мутахассислардан, балки жумҳуриятимизнинг маданий меросини эъзозловчи ҳар бир фуқаросидан катта жонбозлик талаб этади. Биз меросимизга муносабатни тубдан ўзгартирмасак, ўзлигимизни англашимиз нотугал бўлиб қолаверади. Жумҳуриятимиз ҳукумати айни пайтда маданий ёдгорликларга муносиб хўжайин янги ташкилот ҳақида ҳам ўйламоқда. Яқин кунлар ичида биз юқорида маъқуллаган «Мерос» комиссиясининг ташкилий жиҳатларини яна биргаликда кўриб чиқамиз. Бу комиссия иши самарали бўлиши учун жумҳурият ҳукумати барча чораларни кўради.

Матбуот нашрларимиз бу борада муштарийларнинг, фуқароларнинг ҳаракатларини жонлантиришда кўмак беришлари лозим. Улар ҳақиқий аҳволни акс эттириб, оммани маданий ёдгорликларимизга эҳтиёткор муомалада бўлишга, мавжуд нодир ашёлар, санъат асарларини халқимизга хизмат қилишига эришишларига кўмаклашишлари керак.

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли муштарийлар. Жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгаши ва Олий Кенгашимиз қошидаги Ошкоралик комиссияси бошлаган эзгу ишнинг амалга ошишида кўмаклашайлик. Бу борада фикр ва мулоҳазаларингизга муштоқмиз. Биз келгусида «Мерос» комиссияси фаолиятидан сизни бохабар қилиб боришни ўз зиммамизга оламиз.

Ёшлар ижоди

Томошабин манфаатини кўзлаб

Ойнаи жаҳон орқали Ўзбекистон телевидениеси бадиий мусиқий бирлашмасининг Бош муҳарририяти ижодий ходимлари томонидан тайёрланган теленовелла, видеофильм, видеоспектаклларни кўп марта мириқиб томоша қилганмиз. «Улуғбек хазинаси», «Ичкуёв», «Қутлуғ қон», «Гирдоб», «Диёнат» ва бошқа видеофильмлар хотирамизда муҳрланиб қолган. Уни ёзган ёзувчига, ролларни моҳирлик билан ижро қилган санъаткорга таҳсинлар ўқиганмиз. Лекин шу икки ижодкорнинг меҳнатини ойнаи жаҳонга олиб чиққан яна бир санъаткорнинг камтарин меҳнатини ёэслаганмиз, ё йўқ.


Шундай ижодкорлардан бири Сайдулла Нарзуллаевдир. Унинг ўзбек телережиссурасига кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у қисқа вақт ичида «Руҳлар исёни», «Нур», «Хотира» каби жиддий телекўрсатувлар, видеопостановкалари билан эл эътиборини қозонди. Унинг талқинидаги ҳар бир асар янгича жозиба ва фалсафий кўтаринкилик билан жаранглайди.

Масалан, яқинда экран юзини кўрган, кўпгина ижодий баҳсларга сабаб бўлган Самад Пўлат асари асосида суратга олинган «Нур» видеофильмини олиб кўрайлик. Бу видеофильм асосан ёшлар ҳақида, уларнинг катта ҳаёт бўсағасидаги хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Асар кўринишидан оддий бўлсада,—дейди саҳналаштирувчи режиссёр Сайдулла Нарзуллаев, — унинг ҳалолликка, инсонийликка, инсонларни мурувватли бўлишга ундовчи мавзуси мени ўзига тортди. Чунки ёшлар масаласи, улар томонидан содир этилаётган жиноятлар, бугунимизнинг энг долзарб муаммоси бўлиб турибди. Мен бу видеофильмда баъзи сабаблар билан йўлдан адашган, тубанлик ботқоғига ботган, ўғирлик ва чўнтаккесарлик тузоғига илиниб, жамиятимиз кўланкасига айланиб қолган айрим ёшларнинг янги ҳаётга қайтишини кўрсатиб беришга интилдим.

Дарҳақиқат, видеофильмни кўрар эканмиз, унинг асосий мавзуси ҳалоллик ва инсоний меҳр-муҳаббат билан суғорилганлигини биламиз. Албатта бу ғояни акс эттирувчи кўрсатувлар, спектакллар, фильмлар яратилган. Аммо «Нур»даги ёрқин талқин ва нафосатли ижро ўзгача. Шу боис ойнаи жаҳонда бир неча бор такрор намойиш қилинди. Ҳар гал томошабинга воқеаси оддий бўлиб туюлса-да, уни ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга мажбур этади.

Ж. НУРИММАТОВ.



— Ер эшитади...

Сураткаш Б. ЖУМАНАЗАРОВ.

КЎРИК — МУСОБАҚА

Андижон вилоятида қишлоқ мактабгача болалар муассасаларининг кўрик-мусобақаси бўлди. Болалар боғчаларининг ходимлари амалий машғулотлар ҳамда давра суҳбатларида қатнашдилар. Кичкинтойларни мактабга тайёрлашда ўқитишнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш, машғулотларда янги усулларни қўллаш масалалари муҳокама қилинди. Кўрик қатнашчилари кичкинтойларни одобли ва юксак маданиятли қилиб тарбиялаш юзасидан ўтказилган намуналн дарсларда бўлдилар. Избоскан ноҳиясидаги 25-болалар боғчаси жамоаси мусобақа ғолиби деб топилди. Унга 700 сўм пул мукофоти, эсдалик совғалари топширилди.

ДЎСТЛИК — ЭНГ МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Уруш ва меҳнат ветеранлари Фарғона вилояти кенгашининг раиси Боқи Каримов бошчилигидаги уруш ва меҳнат ветеранлари делегацияси қўшни Ўш вилоятидан Фарғонага қайтиб келди. Сафарда ҳурматли оқсоқоллар, вилоятда ном чиқарган кишилар — Совет Иттифоқи Қаҳрамони риштонлик Т. Аҳмедов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фарғонадаги Фуран бирикмалари кимё заводининг катта устаси У. Ғиёзов ва бошқалар иштирок этди. Улар Фарғона водийсидаги Ўш, Фарғона, Андижон, ва Наманган вилоятлари уруш ва меҳнат ветеранларининг музофот учрашувида қатнашдилар.

Фарғоналиклар ногиронлар ва пенсионерлар дам олиш ҳудудий марказида бўлдилар. Улар Қорасув ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигига бордилар. Бу ерда уларни уруш ва меҳнат ветеранлари ноҳия кенгашининг раиси Х. Асанов бошчилигидаги хўжаликнинг қирғиз оқсоқоллари кутиб олдилар. Шундан кейин оқсоқоллар Сўзак ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигига йўл олдилар. Бу ерда меҳмонларнинг колхозчилар билан учрашувида фарғоналик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Т. Аҳмедов уруш йиллари тўғрисидаги хотираларини гапириб берди, Совет Иттифоқидаги барча миллат вакиллари мудҳиш хавф олдида жипслашганликлари, елкама-елка туриб мамлакатнинг уруш вайрон қилган хўжалигини тиклаганликлари ҳақида сўзлади.

— Биз ҳозир ҳам энг муқаддас туйғу — барча миллат кишиларининг дўстлигини сақлаб қолишимиз лозим. Шу туйғу бизни ҳамиша бирлаштириб келган, бўлажак муваффақиятларимиз гарови ҳам дўстликдадир, — деб таъкидлади у.

В. ТАТАРИНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТВ

25 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 12.30 «Жонли камалак». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив» (Нижний новгород). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Билдирсой», Телефильм. 18.50 Тижорат хабарлари. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тиббиёт атамалари». Жумҳурият атамашунослик қўмитасининг аъзолари билан учрашув. 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Оила». 23.05 «Салом ва хайр». Бадиий фильм («Ленфильм»). 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 «Америка фожиаси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Суд». 10.20 Футбол. Европа кубоклари. 12.50 Коллаж. 13.00 «Вақт».

* * *

16.00 «Жонимсан, казак қўшиқлари». 16.15 Махфий фарватер». 3-серия. 17.25 «Агар сиз...». 18.10 «Океандаги товушлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Вақт». 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Америка фожиаси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Суд». 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Футбол. Европа кубоклари. 00.55 «ТСН».

● **МТ II**

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия. Ромблар билан содир бўлган воқеа». «Кичкинтойлар учун геометрия. Геометрик инжиқлар». 9.35, 10.35 Мусиқа. 3-синф. П. И. Чайковский. «Уйқудаги гўзал». 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар». 12.05 Рус тили.

* * *

13.05 «Милиция сержанти». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.10 Аэробика. 15.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар. Полесье воқеаси». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 16.15 И. С. Бах. Скрипка ва оркестр учун ми мажор концерти. В. Жук ҳамда Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади.

* * *

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Иркутск телевидение студиясининг программаси. 18.15 Мультфильмлар: «Қиролнинг янги кўйлаги», «Фэт-Фрумос ва қуёш». 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Аэробика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушукча нималар ҳақида ўйлади?». 20.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Сизнинг солдатингиз Пашка». Ҳужжатли фильм премьераси («Паритет» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси). 21.05 «Меҳмон учун жой». Янги номлар. Никита Жигурда. 21.30 «Асраб, авлодларга етказ». Кропоткинода оилавий байрам.

* * *

23.40 «Осойишта хонадон». Телевизион бадиий фильм (ЧСФЖ). 01.10 От спорти. «Сиэтл-90» пойгачи чавандозларнинг халқаро чемпионати.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28601.